O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ✱ www.uzhurriyat.uz ✱ 2020-yil 15-yanvar, chorshanba ✱ № 3 (1167)

БАА ва Япония билан ҳамкорликдаги лойиҳалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари ва Японияга олий даражадаги ташрифлар якунида эришилган келишувларни амалга ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари билан умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ, Япония билан эса 6,6 миллиард доллардан зиёд қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Президент ташрифлар натижалари бўйича ишлаб чиқилган "йўл харита"ларига мувофиқ 2020 йил учун белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

"ОИЛАДА ҲАМ ҲАРБИЙЧА ЯШАЙМИЗ!"

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни юртимизда ҳар йили катта тантана билан нишонланади. Бугунги суҳбатимиз қаҳрамони — Сойибжон Холиқов ватан хизматига ҳамиша шай турган инсонлардан, уларнинг оиласини билганлар, ҳақиқий маънода "Ҳарбийлар оиласи", дейишади. Бунга асос ҳам бор, сабаби оила бошлиғидан тортиб, рафиқаси-ю икки ўғли шу соҳада хизмат қилади.

⇨ 2-бет

ҲАЁТГА ТЎЙМАГАН КЎЗЛАР ИЛТИЖОСИ

Маҳфуза жаҳлини жиловлай олмас, юрагидаги рашк азоби баттар кучайиб борарди. Шу пайт очиқ қолган "бардачок"даги кичик пичоққа кўзи тушди. Ва: "Менга берган азоблари учун ўзимдан ўчмас из қолдираман", деган ўйга боради. Шартта пичоқни олиб Анварга ташланди.

⇨ 3-бет

МУҲАББАТНИНГ МУМТОЗ ЯКУНИ...

Болалар билан тўпланиб, кўча чеккасидаги майдонни супириб-сидириб, ўзимизча саҳна қилгандик, ана шу "саҳна"га чиқиб олиб, Тоҳирнинг сўзларини қайтарардик, қўлимиздаги "қилич" — эгма тол навдасини баланд кўтариб, бир-биримизга қаратиб сермаб қўярдик, шунданми, болаликдан бу асар менга қадрли бўлиб қолган.

⇨ 5-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!

Ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз аввало ўз жанговар постида доимо ҳушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб келаётган мард ва жасур, содиқ ўғлонларимизни, фидойи ота-боболаримизни, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни шарафлаб, уларнинг шаънига энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Ана шундай ботир ва жонкуяр фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ҳурматли ота-оналарга, ҳарбий хизматчиларимизга ўз муқаддас бурчини адо этишда ҳамиша тоғдек таянч бўлиб келаётган уларнинг оила аъзоларига чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Армиямизнинг куч-қудрати ҳарбий хизматчилар билан бутун жамиятимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, ҳеч қандай ёвуз куч Ўзбекистон мустақиллигига, тинч ва осуда ҳаётимизга рахна сололмайди, бизни демократик ўзгаришлар йўлидан ортга қайтара олмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётининг мустаҳкам кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган 28 йилда ғоят мураккаб ва айни пайтда шонли шаклланиш йўлини босиб ўтди.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланиб бормоқда.

Миントақамизда очиқлик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойилларига асосланган янги сиёсатни амалга ошириш доирасида Қуролли Кучларимиз Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидаги ҳамкасблари билан яқин шериклик алоқаларини ўрнатди ва мустаҳкамламоқда. Сўнгги йилларда биз бир қатор қўшма ўқув машғулотларини биргаликда ўтказдик. Шунингдек, юқори даражадаги ҳарбий делегацияларнинг ташрифларини ташкил этдик, тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида тажриба алмашдик.

Бизнинг тобора кучайиб бораётган бундай ҳамкорлигимиз бугунги кунда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Дунёдаги энг юксак стандартлар даражасида ташкил этилган узлуксиз ҳарбий таълим тизими изчил ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда янгитдан тузилган, моҳият эътибори билан ноёб бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий таълим муассасалари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Шу билан бирга, бошқарувнинг тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди, Қуролли Кучлар академиясида қўшимча таълим инфратузилмалари фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда.)

Посбонлар

Сизда ором қайда,
Сизда тин қайда,
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.
Эл-юрт оромини асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда!..

Сизни учратаман тоғда, далада,
Хизматда ҳамиша — қорда, жалада.
Сизга сабот берсин, Сизга куч берсин,
Буюк зотлар руҳи шундай паллада...

Ҳар кун офтоб билан соғ кўришиб юз,
Уйдан омон чиқиб, омон қайтингиз.

Ризқи улуғ бўлсин, кўкси улуғ бўлсин,
Хонадонингизу мамлакатингиз.

Йўллар равон бўлсин, йўллар оқ бўлсин,
Баҳор майсалари кўк чироқ бўлсин.
Бурчга садоқатли эй фидойилар,
Поклигингиз Сизга кўзмунчоқ бўлсин!..

Сизда ором қайда, Сизда тин қайда,
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.
Эл-юрт оромини асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир

Хуллас, лойиҳа сифатида биз тавсия қиладиган тартиб тахминан қуйидагича:

V синфда шаҳарлар тарихи;
VI синф — ҳунармандчилик тарихи;
VII синф — буюк шахслар тарихи;
VIII синф — ижтимоий формациялар тарихи;
IX синф — динлар тарихи;
X синф — давлатчилик тарихи;
XI синф — маданият тарихи.

Бизнингча, мактабдаги ўқув дастури ана шундай тартибда тузилса, анча қизиқарли бўлади, ўқувчилар тарихий далилларни қуруқ ёдлашдан кўра, уларнинг моҳиятини англаш ҳамда мулоҳаза юритиш малакаларини ҳосил қилади. Зеро, тарихни ўрганишнинг бош мақсади ҳам ўтмиш сабоқлари билан келажак авлодни тарбиялашдир.

Умуман, бу тавсия-мулоҳазамиз шунчаки бошланғич лойиҳа, унинг тўлдирилиши, мукаммаллаштирилиши мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

6

ЎЗЛИК

ОТА ЮРТ, ОНА ВАТАН

Гоҳи сен исмини билмайдиган туйғулар қалбингда муқим туриб олади. Баданинг жимирлайди. Руҳиятинг кўтарилади. Қадам олишингда салобат, нигоҳингда қатъийлик. Ҳаёлингда кимдир, кимгадир, нима ва қаердадир, деган ғалати ўйлар келиб кетади. Бу нима?

Отлар кишнаши, туёғидан тангадек отилган тошлар, гўё кўкка сапчиб юлдузга айланиб қолгандек: дукур-дукур, гупур-гупур. Қандай туйғу бу?

Ноғораларнинг гумбурлаши минглаб, ўн минглаб, юз минглаб суворийнинг ҳайқириғи, барча-барчаси, шундоқ қулоғинг остида. Асрлар, давру замонлар тошқин солиб ўтаётгандай. Бу ҳайрат, ҳаяжоннинг номи не?

2

"Ўнта қўй нима бўлади?"

Хўш, бу дабдабаларнинг барчаси мурғак Ноилага нима учун керак?! Одамлар йиллар давомида йиғиб-терганини мана шундай "очил дастурхон"ларга сочади. Етмаганига қарз ҳам кўтаришади. Бу каби ҳаракатларимиз билан кимга ва нимани исботламоқчимиз?

Беихтиёр эсимга ўша "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги тўй воқеаси тушди: "Ўнта қўй нима бўлади?.." Чақалоқ Ноилахон бехабар, отаонаси қанча чиқимга тушди экан? Катта бўлганида: "*Гўдаклигингда қарз кўтарганмиз, энди турмушга чиқаяпсан, яна қарз кўтарамиз*", дейишса, унга оғир ботмасмикин...

6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бошланиши 1-бетда.

Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил этиш жараёни ниҳоясига етказилмоқда. Миллий гвардиянинг Ҳарбий-техник институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Жанговар тайёргарликнинг модернизация қилинган, мослашувчан тизимини жорий этиш билан уйғун ҳолда, Қуролли Кучларнинг янги ташкилий тузилмага ўтказилиши миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини бир неча баробар оширди.

Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Миллий армиямизни қуроллар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлашга қодир бўлган мудофаа-саноат комплексимизни янада ривожлантириш бўйича вазифалар босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи ва жанговар ўқ-дорилар ишлаб чиқарадиган корхонанинг модернизация қилингани ва техник қайта жиҳозланганги бунга яққол мисол бўла олади, уларда қайта ташкил этилган илмий-техник салоҳият эса мазкур тармоқларда илмий-ишлаб чиқариш кластерларини шакллантиришнинг асосига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг тўлақонли мудофаа секторини шакллантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз яқин истиқболда нафақат миллий армиямизни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш имконини ҳам беради.

Халқ ва армия ўртасида ишончли кўприкка айланган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятида муайян ютуқлар кўзга ташланмоқда. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буён **"Халқ ва армия — бир тану бир жондир"** деган шиор остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий шаҳарчалар замонавий қиёфага эга бўлди, моддий таъминот хизматлари соҳасига аутсорсинг тизими жорий этилди. Ўтган уч йил давомида **8 мингдан** зиёд ҳарбий хизматчилар оилаларини қулай ва шинам квартиралар билан таъминлаш учун **275 та** кўп қаватли уй-жой барпо этилди, ҳарбий хизматчиларнинг аёллари учун қарийб **600 та** янги иш ўрни яратилди, **1 минг 900 нафар** ҳарбий пенсионер ишга жойлаштирилди.

Армиямиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиялаш борасидаги ишларга фаол киришганини алоҳида қайд этишни истардим. "Ватанпарвар" ва "Фахрийлар" сингари ташкилотлар, шунингдек, Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича ғоят зарур бўлган ишларни биргаликда давом эттиради, деб ишонаман.

Шу ўринда Қуролли Кучлар фаолияти устидан фуқаролик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидламоқчиман. Бугунги кунда мамлакатимиз парламенти ўзининг кенгайтирилган ваколатлари доирасида "Мудофаа доктринаси тўғрисида"ги қонун ва мудофаа соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилмоқда. Ўтган йили Олий Мажлис Сенати томонидан Қуролли Кучларнинг қурилиши ва ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташига доир долзарб масалалар юзасидан ҳарбийлашган вазирлик ва идоралар раҳбарларининг маърузалари бир неча бор эшитилганини таъкидлаш лозим.

Қадрли юртдошлар!

Жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол кескинлашиб, халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётгани биздан халқаро ва минтақавий вазиятни ҳар томонлама таҳлил ва прогноз қилишни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чоратадбирларни кўришни талаб этмоқда.

Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жанговар тайёргарликни ташкил этиш самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларни энг янги қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа-саноат комплексини ривожлантириш бўйича фаол олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш зарур.

Биз юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият қаратамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари!

Ушбу қутлуғ байрам кунларида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш арафасида ўз ҳаёти эвазига дунё халқларининг озодлиги ва эркинлигини сақлаб қолишга эришган ғолиб аждодларимизга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатиш қанчалик муҳим эканини барчамиз ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этиб, бу борада катта амалий ишларни амалга оширмоқдамиз.

Сиз, ҳурматли ҳарбий хизматчиларга — аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийларига Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этишда мустаҳкам соғлик, улкан муваффақиятлар, куч-ғайрат, оилаларингизга эса янги — 2020 йилда файз-барака ва бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Ота юрт, она ватан

Гоҳида бошқа инжа-нозик товушлар ҳам янграб туради: қиз боланинг қўёшнинг илк нуридан бўса олган шабнам сингари, сокин ва самимий, пиёланинг жарангидай қиқир-қиқир кулгуси.

Кенг сайҳонлик. Майдон тўла суворий. Ер юзини одам босган. Кўзлар ўткир. Қуёшданда, ўктам нигоҳлар. Бошда дубулға. Қўлда қиличу ханжарлар. Мана, ҳозир ноғора чалинади. Отлар пишқиради. Лашкар қасирға бўрондай қалқий бошлайди. Ниҳоят ноғора чалинди: бир... икки... уч... отлар тезлашади, навкарлар тезлашади. Еру кўкни чанг-тўзон қоплайди. Қуёш отасидан беркинган боладек булут орқасига яширинади. Замину осмон фалакка юксалган туғдек чайқалади, чайқалаверади...

Ниҳоят, барча шовқин отлар туёғига тушиб йўқолгандек, бутун борлиқ оғир сукунатга бурканди. Сукунат... Шунда Буюк Амир Темурнинг салобати бор бўйи басти билан кўз ўнгимизда жонланиб қолади. Олис тарихдан қулоғингиз остида отлар дукури-ю ноғоралар гумбур-гумбури узоқ вақт, балки асрлар бўйи келаётгандек — ҳайратомуз тарихий лаҳзалар...

Ҳар гал тарих китобини варақлаганда, матбуотда шу мавзу билан боғлиқ мақола чоп этилганда, телевизорда кўрсатув, радиода эшиттириш бўлганда қалбингиз бир орзиқиб, кўкрагингиз ўз-ўзидан кўтарилиб тушади. Дунё маданияти ва маънавиятига бешик бўлган серқуёш Ўзбекистонда яшаётганингиздан фахрланасиз. Жаҳон салтанатида, ҳарб соҳасида ўзига хос юксак санъат яратган, буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур номини тилга олиш бизни, сизни, барчамизни бўйимизни бир газ ўстириб, қалбимизга ғурур туйғусини қадайди.

Ватан ҳимоячилари куни! Бу сўз шунчаки айтилмайди. Бу каломнинг юки, бу сўзнинг қудрати қирқ мингта туяга қанот бериши мумкин. Бир йигит қирқ йилда вояга етади, дейди боболар. Бир йигит бир мамлакатни елкасида кўтаради дейди яна кексалар.

Бизда азалдан шундай гап бор: яхши кунда яхши тилаклар айтилади. Бугун шундай кун! Ҳарбийларимизни байрам билан табриклар эканмиз, уларга, энг аввало, Ватан деган буюк сўзнинг залворини кўтариб юрган елкаларингиз асло энкаймасин деймиз! Ватан — она. Ота юрт, она Ватан. Демак, сиз икки карра зўрсиз. Ҳамиша зўр бўлиб юринг, арслонюрак ботирлар!

Санжар ТУРСУНОВ.

БУРЧ

Ватан — она каби ягона. Ҳар сафар шу жумлага кўзим тушганида, Ватаннинг қадри қанчалар буюк эканлигига амин бўламан. Киндик қони тўкилган маскан тупроғини мард ўғлонлар, ватандан айро — мусофирлар кўзига суртишган. Ватанга муҳаббат ҳисси инсониятнинг қон-қонига сингиб кетган илоҳий туйғу. Шу боис Ватанни ҳимоя қилиш, унинг тинчлигини сақлаш, сарҳадлари дахлсизлигини асраб-авайлашда ўз ҳиссасини қўшаётган юрт посбонларининг хизматлари юксак эътирофга лойиқ.

"Оилада ҳам ҳарбийча яшаймиз!"

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни юртимизда ҳар йили катта тантана билан нишонланади. Бугунги суҳбатимиз қаҳрамони — **Сойибжон ХОЛИҚОВ** ватан хизматига ҳамиша шай турган инсонлардан, уларнинг оиласини билганлар, ҳақиқий маънода "Ҳарбийлар оиласи", дейишади. Бунга асос ҳам бор, сабаби оила бошлиғидан тортиб, рафиқаси-ю икки ўғли шу соҳада хизмат қилади.

Эндигина камолга етаётган оиланинг якка-ю ягона қизи Гулсанам ҳам: "Ота-онамга, акаларимга елкадош бўлиб мен ҳам ватанимга хизмат қиламан", дейди. Байрам арафасида ҳарбийлар оиласини суҳбатга чорладик.

— Сойибжон ака, ҳарбий соҳага нима учун қизиққансиз?

— Мактабни тугатиб, 1985 йили Россиянинг Томск алоқа ҳарбий билим юртига ўқишга кирганман. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Самарқанддаги ҳарбий қисмида иш бошлаганман. Шундан кейин, бошқа ҳарбийлар қатори жуда кўп вилоятларимизда хизмат қилдим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар симмуляция ва моделлаштириш бўйича ахборот технологиялар махсус марказида бўлим бошлиғи ўринбосари бўлиб ишламоқдаман.

Икки ўғлим ва бир қизим бор. Тўнғич ўғлим Сардорбек Тошкент Ахборот технологиялари университетининг ҳарбий кафедрасидан ҳарбий хизматга жўнатилди. Кичик ўғлим Аҳрорбек саралаш имтиҳонларидан ўтиб, Россиянинг Воронеж ҳарбий авиация академиясида таҳсил олмоқда. Аёлимнинг асл касби шифокор. Соҳамга қизиққанидан ҳарбий соҳага ишга кирди. Айни пайтда Марказий алоқа тармоғида ҳарбий алоқачи бўлиб хизмат қилади.

— Оилада эр-хотиннинг ҳарбий соҳада фаолият кўрсатиши фарзандлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатибди-да...

— Болаларимизга бошқа ота-оналарга қараганда камроқ эътибор қаратганимиз ҳақиқат, аммо бу назоратсиз қолдирди дегани эмас. Фарзандларим тарбиясида ҳам қаттиқ турганмиз. Гарчи давлатимиз ҳарбийларнинг фарзандларига олий ўқув юртига киришга имтиёзлар берган бўлса-да, ўғилларим ўқишга ҳеч қанақа имтиёз ёки тавсиянома олмасдан ўз билими билан кирди.

Бир сўз билан айтганда оилада ҳам ҳарбийча яшаймиз. Ҳар бир дақиқамиз ҳисобли. Режаларимизнинг барчаси биз кутганимиздек ўз вақтида амалга ошади. Фарзандларимиз ҳам бир-бирига ёрдам берадиган меҳр-оқибатли. Соҳамизнинг машаққатини тушуниб, бизга ёрдам беришга ҳаракат қилишган.

Суҳбатимизга Сойибжон аканинг аёли оддий аскар Дилафрўз Холиқова қўшилади:

— Кичик фарзандимиз Гулсанам икки ёшга тўлганида ишга чиқиб кетганман. Ишдан кеч келган кунларим акалари боғчадан олиб, эплаб қарашарди. Ишимизнинг машаққатини кўриб, фарзандларимиз бизнинг соҳани танламайди, деган фикрда юрар эдик. Битта касбни танлайдиган пайтга келганда танловини эшитиб хурсанд бўлдик.

— Ота барибир ота эканда. Кичик ўғлимнинг Россияда ўқийман деганида қаттиқ қаршилик кўрсатганман, сабаби ўзим ҳарбий соҳада чет элда ўқиганман, машаққатини ҳар қалай биламан. Аҳрорбек сўзида қатъий турди. Ўқишни эсон-омон тугатиб қайтса, унга маслаҳатчи — устоз бўлиб ватанимиз учун хизмат қилишига яна шароит яратамиз.

— Ҳарбий соҳани танлаганингизга афсус қилган пайтларингиз бўлганми?

— Маош бу ойдан кейинги ойгача етмаган пайтлар бўлган, аммо шунда ҳам бу ўйлар хаёлимга келмаган. Борига қаноат қилиб яшаганмиз. Қийинчилик кунларимиз кўп бўлди, аммо шу касбимиз билан эл-юртда ҳурмат қозондик. Болалигим Фарғонанинг Қува туманида ўтган. Ҳозир тенгдошларимнинг аксарияти ушбу соҳани танламаганидан афсус қилишади. Вақти-соати билан биз ҳам чиройли уйларга эга бўлдик. Энг муҳими, фарзандларимизга яхши тарбия бера олдик. Ушбу соҳага 17 ёшимда кирган бўлсам, шунга ҳам 35 йил бўлибди.

— Байрам шукуҳи.., кўнглингиздан нималар ўтмоқда?

— Юртимиз фарзандлари буюк бобокалонларимиз издоши бўлиб келмоқда. Ёшларда азму шижоат, мардлик хислатлари бор. Бугунги ёшларимиз мустақил ватанимизнинг посбонларидир. Биз навқирон авлод вакилларини баркамол, етук кишилар қилиб вояга етказсак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий ғурурни изчил шакллантириб борсак, Ватанимиз қудратли давлатга айланади.

Юртимизда ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳамда давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарори асосида "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи ташкил этилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз янада равнақ топсин. Тинчлигимизга кўз тегмасин. Биз билан елкама-елка ишлаётган барчага соғлиқ-саломатлик тилайман.

Феруза РАҲИМОВА,
"Hurriyat" мухбири.

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

Ватан ҳимоячилари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилишди

САМАРҚАНД: **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирлари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиш билан бошланди.**

Шундан сўнг, Соҳибқирон ҳайкали пойига Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ, вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан гуллар қўйилди.

Кўксарой майдонида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси намойиш этилди.

40 олтин, 39 кумуш ва 49 бронза

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: **Нукус шаҳридаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби яқинда реконструкциядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.**

Спорт мактабининг қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 9 миллиард 618,5 миллион сўм маблағ ажратилиб, барча ишлар "Жайҳун иншоот қурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан сифатли бажарилди. Замонавий югуриш, футбол, волейбол майдончалари, кийиниш, ювиниш хоналари тарбияланувчилар хизматида.

Бу ерда 1 минг 500 нафардан ортиқ ўғил-қиз спортнинг 16 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Ушбу муассасанинг иқтидорли тарбияланувчилари 2019 йил давомида ўтказилган Жаҳон чемпионати, халқаро турнир ва Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида жами 40 олтин, 39 кумуш ва 49 бронза медални қўлга киритишди.

"Uztex group"да 800 та янги иш ўрни

НАМАНГАН: **"Uztex group" қўшма корхонасининг Чортоқ филиали фойдаланишга топширилди.**

Лойиҳа қиймати 50 миллиард сўм бўлган йирик текстиль корхонаси тўлиқ қувват билан ишлай бошласа, йилига 6 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имкони пайдо бўлади.

Корхонада 800 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг 650 нафари илк меҳнат фаолиятини бошлаган йигит-қизлардир.

Ўз мухбирларимиз.

УЧРАШУВ

Республика Маънавият ва маърифат марказида бадиий ижод ва журналистика соҳасида қалам тебратаётган, маънавий-маърифий йўналишларда фаолият олиб бораётган ёшлар билан “Янги авлод — янги ташаббуслар” мавзуида мулоқот ташкил этилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Янги авлод ташаббуси

Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, бадиий ижоднинг наср, назм, болалар адабиёти, драматургия, бадиий таржима, бадиий публицистика йўналишларида ижод қилаётган ёшлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, илк китоблари нашр этилган ёш ижодкорлар иштирок этди.

— Ёшлар — эртанги кунимиз эгалари. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган йиғилишида илгари сурилган муҳим фикр ва ғоялари бунга яққол мисолдир. Президентимизнинг ёшлар масалаларида илгари сурган ташаббусларни амалга ошириш, уларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этишда барчамиз бирдек масъулмиз, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов. — Тадбирни ташкил қилаётганимизда ёшларнинг фикри билан қизиқдим. Уларнинг ўзи тадбирга “Янги авлод — янги ташаббуслар”, деб ном қўйишди. Бугунги ёшларимизнинг ютуғи билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чет элдаги халқаро танловларда ғолиб бўлиб, юртимиз шаънини кўтараётганлар ҳам фақат шу ёшлардир.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда олий ўқув юртларининг талабалари ҳам иштирок этди. Кунчиқар мамлакат Япониядан юртимизга келиб таҳсил олаётган талабаларнинг фикри билан қизиқдик.

— Ўзбекистон ёшларининг илмий даражаси, салоҳияти япон ёшларникидан қолишмайди. Биз юртингизга келишимиздан олдин икки йил давомида Японияда ўзбек тилини ўргандик. Ўзбек тилининг грамматикаси япон тилиникига ўхшайди. Айни пайтда Шарқшунослик институтида мен билан келган японияли талабалар биргаликда ўқияпмиз. Таълим сифати бизга маъқул келди. Келажакда олган билимларимни Ўзбекистоннинг янада ривожланиши учун сарфламоқчиман, — дейди Юка Накай.

Йиғилишда бугун бадиий ижоднинг наср, назм, болалар адабиёти, драматургия, таржима, публицистика йўналишларида ижод қилаётган ёшлар сўзга чиқдилар.

Улар Президентимиз томонидан илгари сурилган Ватан ифтихорлари институтининг жорий этилиши, IT-парклар ташкил этиш, юртимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларга тавсия этадиган самарали механизм яратиш, босма нашрлар асосида “Ёшлар медиа холдинги” ташкил этиш каби қатор ташаббусларни катта хурсандчилик билан қабул қилганликларини таъкидладилар.

Қолаверса, тадбирда фаол ёшлар ўзбек адабиёти ва журналистикасининг нодир намуналарини жаҳон тилларига таржима қилиш, ижтимоий тармоқлар, интернет тизими имкониятларидан фойдаланиб, мамлакатимиз тарихи, маънавияти, бугунги ислоҳотлар жараёни билан жаҳон аҳлини мунтазам таништириб бориш чораларини кучайтириш зарур эканлиги айтиб ўтилди.

Мулоқот давомида сўзга чиққан ёш ҳарбий йигитлар Президентимиз айтганидек, “ишонса арзийдиган, суянса тоғ бўладиган ёшлар” сифатида ватан ҳимояси йўлида нафақат билак кучи, балки бор билим, салоҳияти билан хизмат қилажакларини айтишди.

Тадбир якунида иштирокчиларга Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёшлар иттифоқи томонидан нашр этилган бадиий китоблар тақдим қилинди.

Феруза БЕРДИЕВА.

ТАРБИЯ

Ҳар кимки жафо қилса...

Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассаламнинг энг зеҳни ўткир суюкли саҳобаларидан бўлган Абу Ҳурайра розиаллоҳу анҳунинг исломга киргунларича исмлари Абдушшамс ибн Саҳр эди. Исломга кирганларидан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) у кишининг исмларини Абдураҳмон деб ўзгартирдилар. Бир куни у зот кичкина мушукчаларини тиззаларида ўйнатаётганларини кўрган Расулуллоҳ (с.а.в.) “Эй, Абу Ҳурайра (“мушукчанинг отаси”) деб чақирдилар. Шундан кейин “Абу Ҳурайра” куняси кенг тарқалди.

Одамларимизнинг бугунги тўқ, фаровон замонда жониворлар уёқда турсин бир-бирларига қилаётган ваҳшийликларини кўриб, эшитиб ёқа ушлаб қоламан. Наҳотки, биз мурувватли, ҳотамтой, саховатпеша аждодлар анъанасини бутунлай унутдик?! Қачондан бошлаб бундай ёвузликка ошно бўлдик, залолатга юз бурдик? Яна шуни ҳам биламанки, меҳрибон табиат ўзига қилинган ёмонлик ва ёвузликни кечирмайди, аёвсиз ўч олади, жазолайди. Эҳтимол, бугун бекатларга илинган “Инсон бўл” плакатларида акс этган жониворлар бизга меҳр ёки нажот сўраб эмас, балки келажагимиздан ташвишланиб, хавфдан огоҳ этиб жовдираётгандир... Куйида ўзим гувоҳи бўлган баъзи воқеаларга тўхталгим келди.

ЭТИКДЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН...

Усмонали исмли анча баджахл қўшнимиз бўларди. Доим қовоғини солиб юрарди. Айниқса, болаларни кўрса, бирон айб иш қилса-қилмаса жазаваси тутиб, бақирарди. Юрагини олдириб қўйган шўрлик болалар кўчада унинг қораси кўриниши билан тумтарақай қочиб қолишарди. Биз Усмонали амакининг Зайниддин исмли ўғли билан ўртоқ эдик. Бир куни бизнинг мушугимиз болалади. Мушукчалар уч ҳафталик бўлгач, Зайниддин улардан бирини — оқ-қора юнгли тўпалончироғини онамдан сўраб уйига олиб кетди. Мушукча жуда тийрак, ўйинқароқ эди. Ана шу мушукча ўзимга ҳам ёқарди. Бироқ ўртоғимга йўқ деёлмадим. Афсус, мушукча унинг дадасига ёқмабди.

“Бу ажина хумпарни кўзимдан йўқот, менга ортиқча нонхўр керакмас”, деб бақирибди. Лекин онаси ўртага тушиб олиб қолибди. Аммо мушукчаси тушмагур келиб-келиб Усмонали амаки ўтирадиган кўрпачани кир қилиб қўйибди. Бундан дарғазаб бўлган амаки мушукчанинг оёқларини бир-бирига чилвир билан боғлаб, катта ариқ ёқасида ўсиб ётган наъматак бутаси устига ирғитибди. Наъматак деганлари нақ супадай келарди. Ҳеч ким — биз болалар тугул, катталар ҳам сертикон наъматак устидан мушукчани қутқариб ололмади. Мушукча уч кеча-ю уч-кундуз наъматак шохлари устида аянчли миёвлаб ётди. Кейин жимиб қолди...

Нетонгки, орадан кўп ўтмай ноҳуш воқеа юз берди. Усмонали ака гузаримиздаги Исоқ этикдўзга махсини яматгани чиқибди. Этикдўз махсини ямаб берибди. Бироқ унинг иши Усмонали амакига ёқмабди. Минғир-синғир қилаверибди. Уста у дебди, амаки бу дебди... Жаҳли чиққан уста қўлидаги темир билан амакининг бошига қаттиқ туширибди. Усмонали амаки ҳушидан кетибди. У шифохонада ўзига келибди. Аммо бир сўз айта олмабди, бечора. Уч кун ётиб, ўша ерда вафот этди.

* * *

Кечки пайт ўқишдан қайтаётсам сиренасини чийиллатиб иккита ўт ўчириш машинаси мени туртиб юборгудай важоҳат билан олдимдан ўтиб кетди. Шундагина кўчамиз четидаги уйнинг гуриллаб ёнаётганини кўриб қолдим. Ахир бу Қутби холаларнинг уйи-ку?! Ёзда битириб кўчиб киришган эди-я. Тавба, олов нимадан чиқдийкин? Томдан ўтган электр симиданмикан, деб ўйладим-у, минг хавотирда уйга югурдим. Келсам, уйда фақат бувим бор экан. Қолганлар ҳаммаси ёнғинни ўчириш учун кетишибди.

Бувимнинг айтишича, кўчамиздаги болалар аллақандай дайди мушукни ушлаб олиб, думига челакча боғлашибди. Челакни ичига керосин солиб, ёқиб юборишибди. Оловдан қўрқиб кетган мушук жон ҳолатда югуриб теракка, ундан томга чиқиб кетибди. Томга моллар учун пичан ғарамлаб қўйилган экан. Олов хашакка ундан электр симига ўтибди. Хуллас, уй куйиб кул бўлди. Энг қизиғи, мушукнинг думига челакчани Қутби холанинг набираси — Азамат боғлаган экан. Қаранг, мушук худди билгандек яқинидаги Қобил аканинг эмас, айнан Қутби холанинг томига отилибди. Ҳа, бу сирли оламнинг биз билмаган мўъжизалари бор.

* * *

Кеч куз. Далада картошка кавлаётган эдик. Кутилмаганда кетмон теккан картошка палаги остидан кичкина-кичкина сичқончалар чиқиб ҳар ёққа қоча бошлади.

— Карим, ушла, ўлдир! — бақирди дадаси. Карим жажжи бир сичқончани тутди-да қўли билан шартта калласини узиб ташлади.

— Қўлингни булғама, булар кўрсичқон болалари ҳеч нарсани кўрмаяпти, оёғинг билан эзиб ташлайвер, — деди дадаси. Карим бўлса катта бир ишни қотиргандай қолган учта сичқон боласини ҳам оёқлари остида жони чиққунча эзғилаб турди. Мен чидолмай юзимни бурдим. Ўғлим эса бақириб, кўзини қўллари билан тўсиб йиғлаб юборди.

— Тавба, келин, намунча ўғлингизнинг кўнгли бўш, қиз болага ўхшаб, — деди Шафоат келинойи лабини буриб. — Ўлган бир зараркунанда сичқон бўлса. Шунга ҳам йиғлайдими. Эртага, катта бўлганда ҳам қиз болаларга ўхшаб кўнгилчан бўладими. Бўмапти. Болангизни тарбияланг! Менинг боламни қаранг, 2-синфда ўқиётганидан бошлаб хўрозни қилт этмай сўяди.

Шу-шу болам Карим билан ўйнамай қўйди. Орадан йиллар ўтди. Бир куни қишлоғимизда миш-миш тарқалди: Раҳим аканинг ўғли Карим поччасини пичоқлаб қўйибди! Беихтиёр хаёлимдан иккита норасида билан бева қолган ёшгина она, умри шамолга совурилган Карим келди. Айни шу пайтда, хеч кутилмаганда, эсимга хув ўша дала воқеаси тушди. Бегуноҳ сичқон болаларини оёқлари билан эзғилаб ўлдиришни ўргатаётганда Раҳим ака боласининг шундай аянчли қисматига пойдевор қурганини хаёлига келтирганмикин...

Айтишларича, аллома бобомиз Алишер Навоий сафар чоғида бир сўлим боғ ичига чодир қурдириб, ўша ерда яшай бошлабдилар. Сафар тугаб, уйга қайтиш муддати келганда мулозимлар чодирни йиғиштирмоқчи бўлиб қарасалар, чодир устига бир мусича ин қуриб, тухум босиб ётган экан. Бундан хабар топган вазир бобомиз полапонлар тухумдан чиқиб, учирма бўлгунча чодирни бузмасликка амр қилибдилар.

Ҳа, одамларга меҳр табиатга, жониворларга бўлган меҳрдан бошланар экан-да. Бу ҳақда Заҳириддин Бобур жуда топиб айтганлар:

Ҳар кимки вафо қилса,
вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса
жафо топқусидир...

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ҲА-ЁТ!

Иш юзасидан Тошкент вилояти ИИББ ЖИЭБ тасарруфидаги 21-сонли жазони ижро этиш колониясига боргандим. Жазо муддатини ўтаётган Маҳфуза исмли қиз билан учрашиб қолдим. У ҳамон оғриқли хотиралар гирдобида яшаркан, ҳар куни тақдирини қоралаб йиғларкан. Энди унинг қалби бўм-бўш, муҳаббат эшиклари қайта очилишига умид йўқдек эди. Менинг журналист эканимни билибди, ўзи ҳақида ёзишимни илтимос қилди...

ҲАЁТГА ТЎЙМАГАН КЎЗЛАР ИЛТИЖОСИ

Маҳфуза оилада акаси ва опаси билан яшарди. Ака сингилларга ўзгача муносабатда бўлди. У ота-онасининг раъига қарши бориб: “Сингилларим ўрта мактабни тамомласа бўлди, коллеждаям, институтда ҳам ўқиши шарт эмас”, деб гапида туриб олди. Шу тариқа, опаси ўқимади, бўйга етганда турмушга узатиб юборишди. Аммо Маҳфуза билимга чанқоқ чиқди, кўнглидаги орзу-умидлар унга тинчлик бермасди. Мактабни тамомлагач, ота-оасининг кўнглига йўл топди, Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежига ўқишга кирди.

Бироқ Маҳфузанинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Акаси: «Қиз болага ўқишнинг нима кераги бор, ўқиб шаҳар олиб берармиди? Яхшиси, ҳунар ўргансин, жойи чиқса, буни ҳам эгасига топширамиз, тамом-вассалом», деб ўз сўзида қатъий турди. Унинг ялиниб-ёлворишига кўнмади...

Маҳфузанинг ота-онаси бозорда машина эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланарди. У зериккан пайтлари уларга ёрдамлашгани бориб турарди. Кунларнинг бирида бозорда Анвар билан танишди. Йигит ҳам эҳтиёт қисмлари бозорида савдо ишини йўлга қўйганлардан эди.

Маҳфуза ва Анварнинг дўстона муносабатлари бора-бора муҳаббатга айланди. Йигит унга уяли телефон совға қилди ва шу орқали улар суҳбатлашиб, хабарлашиб туришди...

— Уяли телефоним борлигини уйимдагилар билишмасди. Айниқса, акам буни билиб қолишидан жуда қўрқардим, — дейди Маҳфуза ўша кунларни эсга оларкан. — Барча сирларимни болаликдан бирга катта бўлган дугонам Сорага айтардим. Назаримда, фақат угина мени тушунадигандек эди...

Орада Маҳфузани келинликка сўраб келадиганлар кўпайди. Ота-онаси ҳам шуни кутиб турганди, уни узатиш тараддудига тушди. Буни эшитган Анвар уйидагиларга дардини айтиб, онасини совчиликка жўнатди.

— Анвар акам бугун уйингизга онам боради, деганида самоларда учгандим, — дейди Маҳфуза. — Онам совчиларга яхши муносабатда бўлсин деб, Анвар ака иккимиз, бир-биримизни ёқтиришимиз ҳақида айтдим. Онам орқали уйдагилар ҳам билишди. Аввалига акамнинг жаҳли чиқди, аммо дадам унинг ҳовурини босди.

Афсуски, йигитнинг онаси Маҳфузани ёқтирмади...

— Қизингизни жойи чиқса, бизни кутмай узатиб юбораверинг, — деди Маҳфузанинг онасига хижолат ҳам тортмай. Меҳмонни азиз кўриб, қўли кўксида тавозе билан турган онага бу гап худди юзига тарсаки ургандек бўлди. Кўнглидан нелар кечмади, тилига не

сўзлар келмади, индамади, меҳмонни яхши гап билан кузатди. Аммо қизига энди у йигит билан кўришмаслик шартини қўйди.

— Шундан сўнг Анвар акадан иложи борича узоқлашишга уриндим. Телефон қилса кўтармадим, SMSларига жавоб ёзмадим, — дейди Маҳфуза. — Кейин у менга таҳдид қилишга ўтди, расмларимни бехаё қизларга ўхшатиб фотошоп қилиб интернет орқали тарқатиб юборишини айтди. Очиғи, қўрқдим...

Шу тариқа, Маҳфуза ота-онасига Анвар билан муносабатларимни уздим дейди-ю, аммо яна гаплашиб, кўришиб юраверади. Бу қилмишидан акаси хабар топса, оқибати яхши бўлмаслигини билади. Аммо Анварнинг таҳдидлари тобора совуқ тус олди. Ҳатто: «Мени ташлаб кетсанг, ўзимни ўлдираман, товонимга қоласан», дерди у.

Барибир ўзи ҳам Анварни севиб қолганди. Юрагини жиззиллатган севгими, қўрқувми — буни ўзи англамай қолди. Бор дардини дугонаси Сорага айтди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ўйнабкулиб юраверди. Йўқ, шунча уринишлари фойда бермади. Уни қўрқув енгди. Ахири Анварни синашга қарор қилди. Бунга сабаб, висол қанчалик ширин бўлса, оқибати шунчалик мудҳиш эди. Анвар эса ҳадеганда, уйланиш ҳақида гапиравермади...

Орада бўлиб ўтган воқеалар Маҳфузани баттар қийнай бошлади, энди у кимга турмушга чиқади?.. Чунки у учрашувлар давомида инон-ихтиёрини бериб бўлган, мабодо Анвар уйланмаса шарманда-ю шармисор бўлишидан жуда қўрқарди...

Мақсадини амалга оширишда дугонаси Соранинг кўмаги ниҳоятда муҳим эди.

— Дугонам Сорага Анвар аканинг телефон рақамини бердим, танишиб, гаплашиб кўришини сўрадим, — дейди Маҳфуза. — Агар у сен билан гаплашса борми, демак, севгиси чин эмас, мени лақиллатган бўлади. Агар рост бўлса...

Ичимда қани шундай бўлса дердим, шунда юрагимда чўғдек ёнаётган муҳаббат сўниб, нафратим қўзиб, уни унутишим осон кечармиди... У ҳам қаршимда айбдор бўлса, ортиқча таҳдид қилмасмиди, деб ўйлардим.

Шундай қилиб, Сора Анварга телеграм тармоғи орқали хат ёзади. Сора йигит билан ёзишмаларини кўчирма қилиб Маҳфузага жўнатиб туради. Соранинг айтишича, Анвар уни учрашувга таклиф қилади...

Маҳфуза, бир тарафдан, кутган режаси амалга ошганидан хурсанд, бир тарафдан, кўнгли эзиларди. Демак, севган инсони номард экан-да, сенсиз яшолмайман, муҳаббатимиз учун курашаман, деган ваъдалари ёлғон экан-да...

— Ўша куни энг чиройли кўйлагимни кийиб, унга ёқадиган узун сочларимни елкам узра ёйиб олдим, — дейди Маҳфуза ўйчан. — Кейин, сумкамга у берган барча совғаларни, ҳатто, уяли телефонни ҳам жойладим. Кутилмаганда қаршисида пайдо бўламан-у, хиёнат устида ушлаб, ичимдаги бор гапни юзига айтиб, совғаларини юзига улоқтирганча орани очиқ қиламан. Шу билан ҳаммаси тугайди, деб ўйладим...

Дугонаси машиналар тирбандлигида қолиб кетганини, манзилга кечикаётганини айтади. Маҳфуза эса манзилда эди. У узоқдан Анварни кўради, севгилиси одамлар орасидан кимнидир қидираётгандек туюлади. Маҳфуза чидаб туролмайди, дугонасини ҳам кутмай, унинг ёнига боради...

— Сиз билан гаплашиб олсам бўладими? — дейди Маҳфуза босиқлик билан. Анвар уни машинаси томон бошлайди. Орқа ўриндиқда сотиладиган машина эҳтиёт қисмлари борлиги учун Маҳфуза олд ўриндиққа, Анварнинг ёнига ўтиради.

— Муҳаббатингиз нақадар «чин» эканини, мана, исбот қилдингиз. Кўзим очилгани яхши бўлди, — дейди Маҳфуза алам аралаш. — Агар хаёлимга шу фикр келмаганида, билмадим, яна қанча сизга ишониб, умид билан яшардим. Яна қачонгача тергашларингизга чидаб, таҳдидларингиздан қўрқиб юрардим. Сизни севганим учун ота-онамга ёлғон гапирдим, сиз билан учрашиб юрдим. Сизнинг уйимдагиларни кўндираман, деган гапингизга ишондим. Вақт, имкон сўрадингиз, хўп дедим, сиз эса...

Анвар аввалига нималар бўлаётганини тушунмади. Бу ўйиннинг орқасида Сора турганини билгач, дарҳол тушунтира бошлади. Аммо Маҳфуза тинмай йиғлар, уни эшитмас, «юрагимдан муҳаббатингни суғириб ол», деганча кўксига муштларди...

— Мана бу менга деб берган совғаларинг! — Сенсирай бошлади Маҳфуза. — Энди буларнинг менга кераги йўқ! Истасанг, ўзингга ол, истамасанг ташлаб юбор, — у қўлидагиларни Анварга қарата улоқтирди.

— Мени шу алфозда ташлаб кета олмайсан. Ишон, мен сенсиз яшай олмайман. Сора сен билан келмоқчи эди. Агар ташлаб кетсанг, ўзимни ўлдираман, — дейди Анвар.

— Энди менга фарқи йўқ, ўлсанг ҳам ачинмайман!..

Маҳфуза жаҳлини жиловлай олмас, юрагидаги рашк азоби баттар кучайиб борарди. Шу пайт очиқ қолган “бардачок”даги кичик пичоққа кўзи тушди. Ва: “Менга берган азоблари учун ўзимдан ўчмас из қолдираман”, деган ўйга боради. Шартта пичоқни олиб Анварга ташланди. Анвар карахт ҳолда қолади, чап бермоқчи бўлади, аммо қалтис ҳаракат туфайли пичоқ унинг кўксига қадалади...

— Ўша пайтда кўзимда ҳеч нарса кўринмади. Фақат унинг ҳаётдан тўймаган кўзларида қўрқувни кўрдим, холос... Нима қилиб қўйганимни тушуниб-тушунмасдим. Миямда унинг гаплари чарх ура бошлади: «Агар мени ташлаб кетсанг, ўзимни ўлдираман...»

Қиз бошқа гапира олмай қолди. Унинг мунгли кўзлари жиққа ёшга тўлди. Охири бўғзига қадалиб турган фарёд отилиб чиққандек, уввос солиб йиғлай бошлади...

Мен унинг ҳикоясини бошдан охиригача тинглаб, шу тобда қизга тасалли беришга ҳам ожиз эдим...

Маҳфуза кета туриб қўлида ғижимлаб турган бир парча қоғозни узатди.

— Муаллифи ким, билмайман, аммо бу айнан мен учун аталган мисралар экан. Буни ҳар куни минг марталаб ўқийман. Илтимос, шуни олиб кетинг, — деди.

Ғижимланган, кўз ёшлари шалаббосидан сарғайиб кетган қоғозни авайлаб очиб ўқийман:

Ишқ асалдир,
Ишқ заҳардир,
Ишқ ажалдир...

Адолат ФАЙЗИЕВА,
журналист.

ФАОЛИЯТ

Бизда ҳарбий журналистлар етарлими?

Мамлакатимизда давлатимиз томонидан ёш авлодни ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида камол топтириш, юрт тақдири учун масъулият туйғусини уйғотиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, бугунги кунда малакали ёш журналистларни тарбиялаш ва уларни соҳаларга ихтисослаштириш долзарб масалаларидан бири саналади.

Ватанпарварлик тамойили оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ғоят кенг тушунчага эга, масъулият билан ёндашишни талаб этадиган ва қизиқарли, шарафли йўналиш ҳамдир.

Ҳарбий журналистиканинг ўз талаблари бор, албатта. Шу кунга қадар журналист кадрлар тайёрлайдиган олий таълим даргоҳларида ҳарбий журналистларни тайёрлашнинг алоҳида тизими бўлмагани ихтисослашган кадрларнинг янги авлодини тарбиялашда тўсқинлик қилаётган эди. Айни пайтда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ҳарбий-журналистлар тайёрлаш бўйича алоҳида факультет фаолияти йўлга қўйилган.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳарбий-ватанпарварлик ва Ёш журналистлар кенгаши томонидан ташкил этилган "Ёшлар камолоти ва ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати" мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрда ёшлар билан видеоселектор тарзида ўтказган учрашувидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ижод қилаётган ёш журналистларни тарбиялаш масалаларига қаратилди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда сўзлаган нутқида ҳам кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизларни тинглаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг салоҳияти, иқтидори, истеъдоди ҳар соҳада намоён бўлмоқда. Айни пайтда ҳарбий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижодий жабҳаларда астойдил ўзини кўрсатаётган шижоатли ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Фахриддин Каримов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ёш журналистлар кенгаши раиси, "Ёшлар овози"-"Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири:

— Давлатимиз раҳбарининг ёшларга қаратаётган эътиборини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, яқинда Президентимиз Ёшлар Иттифоқи ҳамда мамлакатимизнинг фаол ёшлари билан бўлиб ўтган учрашувда ёшлар тарбияси, уларни билим олиши ва иш билан таъминлаш борасида ўз фикрларини куюнчаклик билан билдирдилар. Ёшлар Иттифоқи ва унинг тасарруфидаги оммавий ахборот воситаларини бугун замон талабларига мос шаклда ташкил этишга кўрсатма бердилар.

Албатта, ёшлар нашрлари мамлакатимиз ёшлари билан ишлашда катта ҳажмдаги ишларни бажаришга ҳаракат қилаяпти. Лекин бу етарли эмас. Ёшларни безовта қилаётган муаммоларни кенг омма эътиборига ҳавола этишда янада фаол бўлиши керак назаримда. Кўпгина ёш журналистлар тенгдошларига ўрнак бўлишга ҳаракат қилгани ҳолда, айримлари лоқайд, ўз ишига совуққонлик билан қарайди. Уларнинг сафимизда борлиги кўнгилни хира қилади.

Алижон Сафаров, — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши раиси, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси:

— Хусусан, ҳарбий мавзуда ёзадиган, ижод қиладиган журналистларни фақат аудиторияда тайёрлаб бўлмайди. Шу ўринда, "Устоз-шогирд" анъаналари қайта тикланса, мақсадга молик бўлур эди.

Айни пайтда оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзуни ёритишда етарли имконият ва шароитлар яратилгани баробарида юртимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг мустақиллиги, тинчлиги ва осойишталигини асрашга оид эзгу саъй-ҳаракатлар, бу борадаги давлатимиз сиёсатини янада теранроқ, пухта, таҳлилий тарзда ўқувчиларга етказиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ.

МУНОСАБАТ

"Hurriyat" газетасини илк сонларидан бошлаб ўқиб бораяпман, ҳақиқатан ўқимишли, мақолалари сермазмун. Билдимки, 2020 йил учун ушбу газетага обуна бўлиб, хато қилмаган эканман. Масалан, газетанинг 8 январь 2-сонини қўлга олдим, тарки одат амри маҳол, деганларидек, газетанинг сўнгги саҳифасига дарров қарадим. "Сўз ва оҳанг бирлиги" сарлавҳали мақолага кўзим тушди. Санъаткор Собиржон Мўминов ижоди ҳақида экан, ўқий бошладим.

Обуна бўлиб хато қилмабман...

Хонанданинг сеҳрли овози бор, халқона оҳанг, миллий калорит мужассам. Қўшиқлари мазмунли, маъноли ва дилга яқин. Ҳар бир жумлани эътибор билан ўқидим. Тўғриси, мазза қилдим.

Санъатдаги сеҳрли овоздан тортиб, сермазмун қўшиқлар ҳақида сўз кетар экан, сўз ортидан сўз эргашар деганларидек, санъат оламидаги айрим "бўғиқ" овозли ҳаваскорларга ҳам навбат келган. Менимча, саҳнадаги қулоқни қоматга келтириб ёки бошга оғриқ чиқарадиган «жипиржипир», "жаранг-журунг" қўшиқларнинг (агар қўшиқ деб бўлса) кўпайгани, яна салбий фикр, танқидларга қарамай, гўё ўзини ушбу соҳани бедаво дардга чалиш учун санъатга урган каби фаолиятини давом эттираётганларни алоҳида қаламга олиш керакка ўхшайди...

Яқинда ўзбек киночилари ишлаган "Истанбуллик миллионер" фильмини кўрдим. Кинони ҳар ҳолда кўрса бўлади. Актёр Муҳаммадисо Абдулҳайировнинг иккига бўлиниб роль ўйнашлари кўпайиб, айтарли одамлар эътиборини тортмай қўйгани рост. Лекин кинонинг охирида Жаҳонгир Позилжоновнинг меҳмонларга айтиладиган мулозаматли гаплари "фон"га қўйилибди. Шунчалар бачкана, рости чидаш жуда қийин! Яна алмойи-жалмойи сўзлари орасида "тўйчилик-да, тўйчилик", деган жойлари ҳам бор. Жаҳонгир Позилжоновнинг бундай расвои раддибало "қўшиқча"ларига аллақачон "ўрганиб" қолганмиз. Лекин унинг ортидан эргашиб, саҳнага чиқаётган ёшларнинг кўпайиб бораётгани киши дилини хира қилади.

Бундай қўшиқчиларга қарата "сиз айтган бирорта қўшиқда инсонларнинг маънавиятини оширувчи ибратли сўз учрайдими?" — дегинг келади. Ойиша, Жумагул ва яна бир-икки қизни "ойнаи жаҳон" орқали чақириб, қўшиқчи бўлиб олганлар санъат соҳасини йиғиштириб, жарчилик қилса бўларкан. Камига ўзбек киносини ҳам ўтмаслаштираётган қўшиқчиларнинг қилмиши одамга алам қилади.

"Наво" телеканалида "Янги овоз" шоуси эфирга узатилаётганди. Тўхтаб қолгандек, чунки ҳар доим кузатиб борардим. Ана шу кўрсатувда чиққан қўшиқчи-ёшлар ҳақиқий маънода истеъдодли, иқтидорли ёшлар. Мени айтмабди, мени ёзмабди, демак мен яхшиман, деган қўшиқчилар юқоридаги санъаткорлар қатори ҳаваскорлардан бўлса, бир яхши таклифим бор:

Истеъдодли шоирларимиз кўпку, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Зебо Мирзо, Шоира Шамс, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир ва бошқалар. Шуларга мурожаат қилиб, мазмунли шеърларни қўшиқ қилишса, уларни ҳеч ким танқид остига олмасди. Аммо қўшиғим бугун яшасин, эртага ўзим билан бирга кетса ҳам майли, дейдиганлар бўлса, яна ўзлари билишади...

Дониёр ҚУРБОНХЎЖАЕВ
Паркент тумани.

ЯНГИ НАШР

Публицистика муайян даврни, соҳани, воқеани бадиий тарзда ифодалагани учун ҳам тарихий, ижтимоий ҳамда адабий-бадиий аҳамиятга эга. Шу боис публицистик мақолалар жамланган китоблар, айниқса, ёш журналистлар ва журналистика йўналишида таълим олаётган талабалар учун ўзига хос ижод мактаби вазифасини ўтайди. Бироқ бундай китоблар кутубхоналаримизда етарлича деб айта олмаймиз. Маънавий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда "Тафаккур қаноти" нашриёти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Асрор Мўминнинг кейинги йилларда матбуотимизда эълон қилинган мақолалари жамланган "Ўзбекистон фарзандиман" китобини нашрдан чиқарди.

"Ўзбекистон фарзандиман"

Муаллифнинг "Навоий навосида ўзбегим васфи", "Ҳазрат Навоийдан ўқисанг агар...", "Бобур — дилбар шахс" мақолаларида буюк аждодларимиз адабий хазинаси дурдоналаридан мисоллар келтириш билан бирга бу умрбоқий меросни янада чуқурроқ ўрганиш, ўргатиш борасида аниқ таклифларини билдирган. Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов ижодига бағишланган "Адиб. Аллома. Арбоб!" мақоласи мавзулар кўлами кенглиги ҳамда теран таҳлили билан эътиборни тортади. Худди шунингдек, болқор шоири Қайсин Қулиев, авар шоири Расул Ҳамзатов, рус шоири Роберт Рождественский, қалмоқ шоири Давид Куғултинов ижоди ёритилган мақолаларни катта қизиқиш билан ўқийсиз. Чунки муаллиф бу шоирларнинг асарларини севиб таржима қилган ва бағишлов мақолаларини меҳр билан ёзган.

Кўпчилик Асрор Мўминни соғлом турмуш тарғиботчиси ва спорт журналисти сифатида ҳам яхши билади. Китобга кирган "Саломатлик — бебаҳо бойлик" мақоласи қуйидагича бошланади: "Табиатнинг энг қимматбаҳо бойлиги – олмос. Инсоният тафаккури яратган энг беназир бойлик — китоб. Ҳар бир одам учун бебаҳо бойлик саломатлигидир. Аслида, мол-мулк тўплашдан мақсад уни саломатликни мустаҳкамлашга оқилона сарфлашдир. Аслида, китоб ўқишдан мақсад саломатликни мустаҳкамлашга оид тавсияларни топиш ва уларга қатъий риоя этишдир". Афсуски, биз китобларда битилган саломатликни мустаҳкамлашнинг кўплаб омилларига эътибор бермаймиз.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино беназир тавсиялар ёзганига минг йилдан ошди. Бизга замондош америкалик маърифатпарвар Пол Брэгнинг тўққиз табиб ҳақидаги битиклари она тилимизга таржима қилинганига чорак аср бўлди. Биз уларни ҳаётимизга татбиқ этяпмизми? Ҳолбуки, тиббий хулоса ва тавсияларга амал қилмасдан саломатлигимизни мустаҳкамлашимиз мумкин эмас. "Ўзбек спортига ярашадиган ғалабалар", "Ўзбек шоҳмотчиларининг оламшумул ғалабаси!", "Олимпиада медаллари қайтариб олинди", "Марияннинг музаффарона қайтиши" мақолалари сарлавҳасидан кўриниб турганидек, спортдаги оламшумул ғалабалар ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳақида.

Шунингдек, китобга муаллифнинг ўқувчилар назарига тушган "Она тилида тасаввур қилиш қаҳрамонликдир", "Китоб — табаррук неъмат", "Қадриятларимизга мос тақвим керак", "Оналар куни" нишонланса!" каби долзарб мавзулардаги мақолалари ҳам киритилган. Хуллас, иқтибосда ёзилганидек: "Йўлнинг интиҳосини кўрай деганлар уни босиб ўтишлари лозимдир". Ушбу китобни ҳам бутун кўлами билан англаш учун бошдан охиригача ўқиб чиқиш керак бўлади. Сизга "Ўзбекистон фарзандиман" китоби мутолаасида қунт ва завқ-шавқ тилаймиз.

Акмал ИСЛОМОВ.

ТАДБИР

Олий судда ёшлар билан юзма-юз

Мамлакатимиз Раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 27 декабрь куни юртимиз ёшлари билан ўтказилган учрашувда илгари сурилган вазифалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судида судьялар ва суд тизимида фаолият юритаётган ёшлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Ведеоконференц-алоқа тарзида ўтган тадбирда 1500дан зиёд судларнинг турли тизимларида ишлаётган ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда Олий суд раҳбарияти мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ишонч масаласида алоҳида тўхталиб, суд тизимларида фаолият кўрсатаётган ёшларнинг ташаббускор ҳамда бешта устувор йўналишнинг фаол иштирокчилари бўлишлари, келгуси мақсад-вазифаларини пухта режалаштиришлари, китобхонлик маданиятини юксалтириб, ёш ҳуқуқшунос сифатида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаол бўлишга чақирди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши вакиллари суд тизимларида ишлайдиган фаол ёшларга қарата ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда камарбаста бўлиб, жойларда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам иштирокчиси бўлишга ундади. Тадбирда ёш ҳуқуқшунос сифатида муҳокама қилинаётган қонунлар ва Олий суд Пленуми қарорлари бўйича ёшлар ҳам ўз муносабатини билдиришлари лозимлиги алоҳида қайд этилди. Шу пайтга қадар суд тизимларида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотига етакчи сайланмаганлигига танқидий ёндашилди.

Бўлиб ўтган учрашувда очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий судидаги бошланғич ташкилоти етакчиси этиб, Олий суднинг катта консультанти Шавкат Гайбердиев сайланди.

Фаолиятлари билан бошқаларга ўрнак бўлган 25 нафар ҳуқуқшунос-ёшлар эса ташкилотчиларнинг ташаккурномаси билан тақдирландилар.

Ҳикматулло ҚОДИРОВ.

Пойтахтимиздаги Интерполнинг мамлакатимиздаги Миллий марказий бюросида ички ишлар органларининг жазони ижро этиш органлари фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маҳбуслар касб ўрганишмоқда

Ички ишлар вазирлиги ахборот хизмати томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда соҳада амалга оширилаётган қатор ишлар ҳақида кенг маълумотлар берилди.

— Соҳага оид тегишли ҳужжатлар асосида жазони ижро этиш муассасалари замон талабларига тўлиқ мослаштирилмоқда. Хусусан, Зангиота туманида халқаро стандартларга жавоб берадиган янги тергов ҳибсхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди, 35 та колониядаги маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган бинолар тўлиқ таъмирланди ва уларнинг ҳудудини назоратга олиш учун қўшимча 1 381 та видеокамера ўрнатилди. Ҳозирги пайтда тергов жараёни ва сақлаш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда қийноқ ва жисмоний тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2 989 та замонавий видеокузатув мосламаси ишлаб турибди, — дейди Жазони ижро этиш бош бошқармаси Тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш бўлими бошлиғи Жамшид Ҳосилов.

Бундан ташқари, маҳкумларнинг мурожаатлари, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал қилиш мақсадида Жазони ижро этиш бош бошқармаси томонидан сайёр қабуллар ўтказилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, барча жазони ижро этиш колонияларида Омбудсманга, прокуратурага ёзиладиган ариза ва шикоятларни ташлашга мўлжалланган алоҳида қутилар ўрнатилган.

Президентимиз бошчилигида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси Жаслиқ қўрғонида жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган колония ёпилиб, у ерда сақланаётган 395 нафар маҳкум суд томонидан белгиланган тартиб турига мувофиқ бошқа колонияларга ўтказилди.

— Ахлоқан тузалишнинг энг самарали усули — маҳкумларни касбга ўргатиб, иш билан таъминлаш эканлиги белгиланиб, янги иш ўринлари яратилди ва меҳнатга лаёқатли маҳкумларнинг 88 фоизи учун меҳнат қилишига муносиб шароитлар яратилди. Бунинг натижасида меҳнат қилаётган маҳкумларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 1 млн. сўмгача етказилди, — дейди Жамшид Ҳосилов.

Маҳкумларни озодликка чиқишга тайёрлаш, республикада амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий воқеалардан хабардор қилиш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, жазони ижро этиш колонияларида маҳкумларни қамраб олувчи Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари, маҳкумалардан иборат Хотин-қизлар кенгашлари, вояга етмаган тарбияланувчиларнинг отаоналар кенгашлари тузилган ва улар ҳозирда самарали фаолият олиб бормоқда.

Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида маҳкум ҳунарманд-уста жалб этилиб, «Уста-шогирд» мактаби ташкил этилди. Унда 306 нафар «уста» маҳкумга 979 нафар «шогирд» маҳкум бириктирилиб, уларга халқ амалий санъати маҳсулотларини тайёрлаш бўйича ҳунар ўргатилмоқда.

Бугунги кунда «Уста-шогирд» мактабини тугатган 272 нафар маҳкумга эгаллаган мутахассислиги бўйича сертификатлар берилди.

Мана шундай имкониятлардан фойдаланиб, чин дилдан тузалиш йўлига ўтган маҳкумлар Президентимиз томонидан мунтазам афв этиб келинмоқда. 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 8 маротаба афв этиш бўйича фармон имзоланиб, 4 мингдан ортиқ маҳкумга нисбатан қўлланилди. Шундан 1 999 нафар жазодаги маҳкум озодликка чиқарилиб, қўшимча 2 минг нафардан ортиқ маҳкумнинг жазоси енгилроғига алмаштирилди.

Феруза РАҲИМОВА,
"Hurriyat" мухбири.

САНЪАТ

Муҳаббатнинг мумтоз якуни...

Ҳеч эсимдан чиқмайди, “Тоҳир ва Зуҳра” достонини илк бор болалигимда бизнинг уйда истиқомат қилган, кейинчалик машҳур мусиқашунос сифатида танилган, Карима онамиз Алимбаевадан эшитганман. Сандал атрофида ўтирганимизда бизга ўқиб берарди.

“Оқ мачит” маҳалламиздаги бошқа хонадонларда ҳам кечалари китобхонлик бўларди, болалар билан тўпланиб, кўча чеккасидаги майдонни супуриб-сидириб, ўзимизча саҳна қилгандик, ана шу “саҳна”га чиқиб олиб, Тоҳирнинг сўзларини қайтарардик, қўлимиздаги “қилич” — эгма тол навдасини баланд кўтариб, бир-биримизга қаратиб сермаб қўярдик, шунданми, болаликдан бу асар менга қадрли бўлиб қолган.

Қора Ботирнинг қилиқларини масхара қилардик, томоша қўймоқчи бўлганимизда, бу ролда ўйнашни ҳеч ким хоҳламасди. Муқимий номидаги мусиқали драма театрига ҳар ҳафтада уйдагиларга эргашиб борардик.

Аввал “Тоҳир ва Зуҳра”, йиллар ўтиб “Алпомиш”, “Нурхон” мусиқали асарларини қайта-қайта кўришга мушарраф бўлганман. Уйда ҳам онам — композитор Ҳафия Муҳамедова халқ қуйлари асосида ёзилган арияларни ҳиргойи қилиб юрар, пианинода чалиб бизни ҳам ашула айтишга ундар эдилар. Отамиз мусиқашунос сифатида мумтоз асарларни ўрганар, унга мусиқа басталаган Тўхтасин Жалилов ҳақида китоб ёзаётганларини билардик.

— “Тоҳир ва Зуҳра”ни эшитганмисиз олдин ёки кинода кўриб қизиқиб қолдингизми? — деб сўрадилар-да, жавобини кутмай: — менга холам кўп айтиб берар эдилар. Аслида бу эртак эмас. Ҳақиқат! Мирзачўл томонда Момохон исмли аёл ҳоқонлик қилган экан. У итоатдан бош тортган кишиларни сандиққа солиб, қопқоқ четларини обдон мумлаб, дарёга ташлар экан. Мен бу асарни ёзганимда Момохон эмас, Бобохон деб

Собир Абдулла билан университетни битириб, илмий ишга тараддуд кўраётганимда учрашиш бахтига муяссар бўлганман. Ўша пайтлари “Тошкент оқшоми” газетасининг бош муҳаррири бўлган Саъдулла Кароматов ўрта мактабда бизга адабиётдан дарс берган эди. Бир куни учрашиб қолдик, у киши: “*Собир Абдулла аканинг уйига борсангиз сўраб кўринг, Мирзакалон Исмоилий урушнинг сўнгги ойида у қаламкаш дўстига ёзган хатида “Тоҳир ва Зуҳра” фильмини Берлинда кўпчилик билан кўрганини айтган, деб эшитдим. Ўша мактубни бизга берсалар кўчириб газетада чиқарардик*”, деб қолдилар.

Ҳалигача Саъдулла акадан миннатдор бўлиб юраман, шу сабаб машҳур ёзувчи билан учрашиб, мулоқотда бўлганман. Олой бозоридан бир бекат наридаги кинотеатр (“Қозоғистон” номли) рўпарасида, кўча юзига яқин хонадонга бордим. Собир ака қаёққадир боришлари керак экан, мени истагимдан дарак топдилар-у, “шошилиб турибман. Бирга юринг мен билан, анчагина йўл босиш керак”, деб эшик томон ишора қилдилар. Ҳозирги Амир Темур ҳайкали қад ростлаган хиёбонга қараб узоқ юрдик. Собир ака:

— Мирзакалон Исмоилийнинг хатини излашим керак. Ёзган эди ўша илиқ сўзларни. Қоғоз, китоб кўп, улар ичидан кичкинагина мактубни топиш осон бўлмас. Яна бир келарсиз, топай-чи, — деб бирзум тўхтадилар, кулиб, ҳазил аралаш: атадим ўша бераҳмни.

Гапимиз шу ерга келганида Собир ака мўлжалланган манзилга етиб келдилар шекилли:

— Давомини кейин эшитарсиз. Редакцияга айтиб қўйинг: бу воқеа тафсилотларини ёзиб бераман. Жуда қизиқ бўлган. Водилдаги мироблар шийпоними, чойхонасими — ўша ерда ёзилган “Тоҳир ва Зуҳра” сценарийси, дедилар-у, шошиб хайрлашдилар...

Собир ака ваъдаларини устидан чиқдилар. Хотира ёзилди, газетада эълон қилинди. Унинг машинкадан чиққан — тўлиқ нусхаси менда сақланади.

... Шундай ўйлар билан, узоқларда қолган мулоқот дамларини тиклаб, қайта идрок этиб Муқимий номидаги мусиқали драма театрига янгитдан қўйилган “Тоҳир ва Зуҳра” спектаклини кўришга бордим.

Икки соату қирқ беш дақиқа давомида завқ олдим, қарсак чалиб муносабатимни билдирдим. Томоша бефарқ қолдирмади. Оркестр таркиби камбағалроқ бўлса-да, барчамизга азалдан таниш ва ардоқли куйлар, ажойиб мисралар, гўзал оҳанглар ила сайқал топган. Зуҳра-ю Тоҳирга қўшилиб:

Қаламлар тавсифингда,
мадҳлар дом талошингда,
Чиройлилар чекиб саф,
бойруғинг кутмоқда қошингда...

— деб хиргойи қилдим.

Баъзан майин, гоҳо эҳтирос билан айтилган арияларнинг афсонанинг ҳолатига олиб киргандек бўлди. Шартли белгилар ила, лекин саҳна эстетикасига биноан қурилган сарой, сарой “устунлари”, жимжимадор, лекин омонатгина эшиклар, айниқса, севишганларга ярашган шойи либосларнинг узун этаклари сарой зинапояларини силаб ўтиши, “тиллақошлар”, персонажларнинг ниятлари, меҳрли ёхуд адоват уруғини сепадиганларнинг кийим-кечак ранглари силсиласи ҳақида ўйладим. Томоша давомида халқ артисти, балетмейстер Маъмурахон Эргашева қўйган рақслар спектаклга безак берганидан мамнун бўлдим.

Айниқса, дастлабки ҳамда сўнгги саҳналарда мажозий ифодани нафис ҳаракат, жозибали, шўх нигоҳлар ила бизга етказган раққосаларга бадиий диди мукаммал балетмейстер раҳнамолик қилгани сезилди. Шойи либосларга ўралган, оппоқ қанотларини аста ёзиб, осмону фалакка парвоз қилишга шай турган парилар орасида бир қоп-қора келгинди пайдо бўлиши, нозик парилар йўлида тўғаноққа айланиши спектаклнинг ғоясини томошабинга ихчам, таъсирчан бир тарзда етказади. Худди шу нозик олийҳиммат, сеҳргар гўзаллар якуний саҳнада ҳам пайдо бўладилар. Ҳалок этилган севишганларни қанот ёзиб юксаклик томон элитиб борадилар, баланд шоҳсупада уларнинг улуғвор кўринишини намоён этадилар. Қимматли ёдгорлик, руҳий тетиклик, оптимистик кайфият уйғотишни ният қилиб, барпо этилган бу кўринишнинг мазмунан, таркибан, кўтаринки олами эътироз уйғотмаса-да, фожиа билан якунланадиган асарнинг бадиий тўқимасига, жанр талаблари, хусусиятларига ёт бўлгандек кўринади.

Шу ўринда жаҳон киносининг йирик арбоби С.Эйзнштейннинг болалигида содир бўлган бир воқеа эсимга тушди: “Шоҳнома”ни қизиқиш билан ўқиган болакай Рустам ўз фарзанди Сухробни танимай ҳалок этиши саҳифасига келганида йиғлаб юборади. Онасининг олдига югуриб бориб: “Катта бўлганимда театр қураман. “Шоҳнома”ни қўяман. Ота-болани — Рустам ва Суҳробни яраштириб қўяман, Ромео ва Жулетта ҳам тирик қолади спектаклнинг финал саҳналарида”, деб онт ичади.

* * *

Асар драматургиясига саргузашт жанрида, детективларда учрайдиган сюжет йўли киритилиши, ариялар баъзан залга — томошабин-тингловчиларга қараб айтилиши (“Эй қуёш”, “Қаламлар”) ижронинг ҳар қисмида фонограмма иштирок этиши ҳақида ҳам ўйладим. Йирик саҳна асаридаги бу каби кемтиклар машқлар, кўриклар, таҳлил жараёнида бартараф этилар, албатта.

Ариялардаги дил изҳорлари, висол онларида кўзга ташланган эҳтиросли, назокатли нигоҳлар, нозик ҳаракатлар томошабинга етиб боргандек кўринади. Ижрочиларнинг вокал имкониятлари баланд. Тоҳир ролини Омон Йўлдошев, Зуҳрани Зулфия Умарова, Моҳимни эса Маърифат Ортиқовалар ўйнаган. Уларнинг самимиятини, ўз қаҳрамонларига бўлган меҳрини қадрлаган ҳолда, лирик садоларга бой куйлар, режиссёрнинг ижрочиларни ҳолатга олиб кириш борасидаги хизматлари маромига етказилган.

Моҳим образи талқини машҳур ўзбек бадиий фильмидаги образдан фарқ қилади. Актриса М.Ортиқова Хоразмшоҳ қизининг чин севгисини ҳам, шундай ишқий муносабатни Тоҳирдан кутганини ҳам, ниятига етмаганида ғазабнок ҳолатга кирмай, севгининг куч-қудратини хайрли ишларга сарфлашни афзал кўрганидан ҳам фарқланади. Хоразм маликаси ишқ ўтида ёниб, юрти томон йўл олган Тоҳирга интилиб оёқлари толиб, эмаклаганида тиззалари шилиниб, шунда ҳам судралиб бораверади, энди етдим деганда кўкраги қонга беланади...

Тажрибали режиссёр Аҳад Фармонов спектаклни саҳнага олиб чиқиш асносида кўп молиявий, ташкилий, ижро билан боғлиқ мураккаб муаммоларга дуч келгани ҳам сезилади. Нима бўлганда ҳам томошабинни, тингловчини севимли асарнинг саҳнадаги умри давом этишига ишонтирган ҳамда бой маданий меросимизнинг қадри баланд эканлиги давримиз учун муҳим воқеа, деб биламан.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Имтиёздан фойдаланмоқчи эди...

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Тошкент-товар” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан пойтахтимизда фаолият юритувчи масъулияти чекланган жамият номига келган ва “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган тақдим этилган қиймати 58 522 630 сўмлик “Mercedes Benz Vito 111 cdi” автотранспорт воситаси божхона назоратидан ўтказилди.

Божхона кўриги давомида тақдим этилган юк декларациясида автотранспорт воситасининг ҳайдовчи ўриндиғи билан биргаликда ўриндиқлар сони 9 та деб кўрсатилган, аслида эса ҳайдовчи ўриндиғи билан биргаликда ўриндиқлар сони 7 та эканлиги аниқланди. Натижада, салкам 371 миллион сўм божхона тўловлари имтиёзидан фойдаланиб қутилиб қолмоқчи бўлган шоввозларнинг сири фош бўлди.

Эслатиб ўтамиз, *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли қарори талабларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётган тадбиркорлик фаолияти субъектлари 2022 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилган.*

Оёқ кийимидаги 40 минг АҚШ доллари

Андижон вилояти божхона бошқармаси “Дўстлик” чегара божхона пости орқали қўшни мамлакатга пиёда ҳолда чиқиб кетаётган фуқаро Д.К.нинг хатти-ҳаракатлари божхоначилар эътиборини тортди ва ушбу шахс белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилди.

Натижада, унинг оёқ кийимларининг ҳар бир пойида 20 000 АҚШ долларидан, жами бир жуфт оёқ кийимда 40 000 АҚШ доллари устамонлик билан яширилгани аниқланди.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Армияси йўқ давлатлар

Мамлакатнинг қудрати мавжуд армиянинг салоҳияти ва самараси билан баҳоланади. Албатта, ҳар бир давлат ташқи ва ички ҳимояси учун қудратли армияга, ҳарбий соҳада эса замонавий қурол-яроққа эга бўлишни истайди. Аммо шундай давлатлар бор-ки, уларда умуман қуролли кучларнинг ўзи йўқ. Ўйлаб қаралганда, бу кичик давлатлар армияга эҳтиёж ҳам сезмайди. Улар қуйидаги мустақил давлатлардир. Аммо...

Андорра

Андоррада тартибни сақлаш ва таянч пунктига оид вазифаларни полиция амалга оширади. Мабодо бирон давлат билан уруш бошланса ёки бошқа ташқи таҳдид юзага келса, унда Андорра Испания ва Франция давлатлари билан тузилган шартномага кўра, уларнинг ҳарбий бўлинмаларидан фойдаланади.

Аммо... Андоррада кўнгиллилардан ташкил топган кичик армия ҳам мавжуд, у фақат тантаналар, расмий қабуллар ва катта байрамларда ҳарбий либосни кийиб, қўриқлаш вазифасини бажаради.

Коста-Рика

1948 йилдаги фуқаролик уруши ўз якунига етгач, ушбу ўлкада армия тарқатиб юборилган. Мамлакатнинг 1949 йилдаги Конституциясига мувофиқ, тинч замонда қуролли армияга эга бўлиш шарт эмас. Унинг ўрнига эса «Фуқаролик гвардияси» хизмат кўрсатади. Марказий Американинг ушбу кичик давлати ўзаро ёрдам тўғрисидаги Америкаларо шартномага кўра, АҚШ, Чили, Куба каби давлатларнинг ҳимояси остида ҳисобланади.

Гренада

Бу мамлакатда ҳам 1983 йилда армия тугатилган. Қирғоқ мудофаасига ёлланган кўнгиллилар жавобгар ҳисобланади. Давлат ҳимоясини Кариб ҳавзасидаги мамлакатларнинг ҳудудий мудофаа тизими таъминлайди. Мабодо мамлакат учун катта хавф туғилгудек бўлса, Гренада АҚШ ёрдамига таянади.

Исландия

Исландияда қуролли кучларни сақлашга 1869 йилда чек қўйилган. Ҳа, тўғри, Исландия йирик мамлакат. Агар Исландия фуқароларидан бирортаси хизмат қилиш ва ҳарбий тайёргарликдан ўтиш истагини билдирса, у икки томонлама шартномага мувофиқ Норвегия армияси сафига қўшилиш ҳуқуқига эга.

Исландия НАТО аъзоси ҳисобланади. У АҚШ билан мудофаа борасида мустаҳкам битим имзолаган.

Кирибати

Ушбу кичик мамлакат 1978 йилдан буён ўз армиясига эга эмас. Бу ўрт Австралия ва Янги Зеландия ҳимояси остида. Кирибатининг ўзида на қуролярог, на ҳарбийлар бор.

Лихтенштейн

Марказий Европадаги Австрия ва Швейцария билан чегарадош мазкур митти мамлакат князлиги 1868 йилда давлат бюджетини иқтисод қилиш мақсадида қуролли кучлардан воз кечган. Биронта давлат ҳам Лихтенштейннинг мудофааси учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаган.

Маршалл ороллари, Палау, Самоа, Тувалу

Тинч океанидаги ушбу давлатларга асос солинганидан бери улар ўз армиясини ташкил этмаган. Агар Маршалл ороллари ва Палау давлатида ташқи таҳдид кузатилгудек бўлса, уларнинг хавфсизлиги ва мудофаасини АҚШ Қуролли кучлари таъминлайди. Самоа бундай ҳолларда, 1962 йилдаги шартномага асосан, Янги Зеландия ёрдамига суяниши мумкин. Тувалу эса НАТО кучларидан мадад олади.

Маврикия

Бу мамлакатда ҳам қуролли кучлар 1968 йилдан буён мавжуд эмас. Махсус сафарбарлик кучлари ва Миллий қирғоқ мудофааси ягона ҳарбийлаштирилган хизматлар ҳисобланади.

Науру

Тинч океанининг ғарбий қисмида жойлашган мазкур мамлакатнинг ҳам ўз армияси йўқ. Ушбу давлат ҳамда Австралия ўртасида ҳарбий ёрдам кўрсатиш борасида норасмий битим мавжуд. 1940 йилда Германия Науруга ҳужум уюштирганида Австралия Қуролли кучлари унинг ҳимоясига отланишганди.

Панама

1990 йилда мамлакат Президенти томонидан қуролли кучларни ташкил этишни тақиқловчи қонун қабул қилинган. Ташқи таҳдид кузатилгудек бўлса, Панама ёрдам сўраб АҚШга мурожаат этиши ички қонунда кўрсатилган.

Сент-Люсия

Кариб денгизининг бошқа кўпгина давлатлари қатори ушбу давлат ҳам ўз армиясига эга эмас. Бу ерда ҳудудий мудофаа тизими, полиция бўлинмалари ва қирғоқ мудофааси хизмати ички хавфсизликни таъминлайди, холос.

Соломон ороллари

Бу давлатнинг ўз қуролли кучлари бўлмагани сабабли Австралия ва Янги Зеландия ҳимоясига таянади. Илгари мамлакат хавфсизлиги учун комиссар бошчилигидаги Қироллик полицияси кучлари жавобгар ҳисобланган, кейинчалик 1998 йилда ороллар қабилалар ўртасида қуролли тўқнашувлар кузатилиб, ташкилот тугатилади, ушанда мамлакат Бош вазири ёрдам сўраб Австралия ва Янги Зеландияга мурожаат этишга мажбур бўлган эди.

Интернет хабарлари асосида
Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

Маънавият оламида тарихга мурожаат қилиш одатдаги ҳол. Зеро, “Ҳар қандай янгилик — унутилган эскиликдир!”, деган гап бекорга пайдо бўлмаган. Қолаверса, тарих — халқ мулки, бу бойликни халқ жангу жадалларда, қонли буҳронларда, вайроналар остидан, шоҳларнинг олтин қасридан неча йиллар давомида зарралаб тўплаган ва бу тажрибаларни кўз қорачиғидек сақлаб келган. Шунинг учун тарихни сабоқ дейдилар: одамзот тарихни ўрганиш баробарида, онгли ҳаёти давомида камчиликлардан хулоса чиқарди, муваффақиятларини ривожлантирди ва ҳозирги тараққиёт даражасига эришди. Хуллас, тарихни ўрганишнинг зарурат эканлиги айни ҳақиқат.

Ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир

Албатта, тарихни ўрганишнинг асосий даври мактабда, таҳсил жараёнида кечади. Айни кунларда янгиланаётган юртимизда бу масалага ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Қолаверса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бизнинг ҳамма ҳавас қиладиган буюк тарихимиз борлигини муттасил такрорлаб, таълим сифатини ҳам шу даражада ташкил қилишни таъкидламоқда. Кейинги йилларда ўқув дастурлари анча такомиллашди, дарсликлар мазмунан бойитилди. Булар, албатта, яхши, лекин давр тинимсиз изланишларни, инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этиб боришни тақозо қилади. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилдики, уни жамоатчилик билан баҳам кўриш истаги пайдо бўлди.

Маълумки, айни пайтда мактаблардаги тарих дарсликлари изчил хронологик усулда тузилган, яъни энг қадимги даврлардан бугунгача бўлган тарих йиллар бўйича ўргатилади. Масалан, VI синфларда қадимги дунё тарихи, VII синфларда ўрта асрлар тарихи, VIII синфдан кейин XVII асрдан бошлаб ўргатилади. Бу, албатта, бир томонлама яхши, ўқувчининг тасаввури инсоният такомили билан ҳамқадам ривожланиб боради. Бироқ дастур шундай тузилганки, умуман, инсоният тарихида муҳим бўлган воқеалар ҳам бир қур эслаб ўтилади, кейинги босқичларда, масалан, X-XI синфларда уларга махсус тўхталишнинг имкони бўлмайди. Масалан, тўққиз йиллик таълим дастурида Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганишга VII синфда 2 соат (ҳозир 9 соат) ажратилган. Таассуф қиладиган томони шундаки, кейинги синфларда бу даврга махсус тўхталмайди, йўл-йўлакай тилга олиб ўтиш мумкин, аммо тарихимизнинг энг гуллаган боскичи сифатида бу йиллар ҳар жиҳатдан (илм-фан, санъат, давлатчилик тараққиёти, халқаро алоқалар ва ҳоказо кўзгусида), қолаверса, жаҳон тамаддуни тадрижи билан қиёсланиб, мукаммал ўргатилиши лозим. Ҳозирча эса ўрта маълумот олган айрим ёшларимиз тарихимиз, бой ўтмишимизни кўнгилдагидек билади дейишимиз қийин.

Хуллас, ҳозир амалда бўлган дастурда давр горизонтал усулда жойлаштирилган, воқеалар (тарих) эса вертикал тартибда. Биз мулоҳаза тарзида бир фикрни ўртага ташлашга журъат қилдикки, унда воқеалар горизонтал жойлаштирилади, яъни тарихни ўрганиш инсоният эришган ютуқларни йиллар кесимида талқин қилишдан бошланади. Масалан, ҳунармандчилик тарихи бир йилда ўқитилиши мўлжалланса, унинг пайдо бўлишидан ҳозирги даражага етишигача бўлган эволюцияси йиллар кетма-кетлигида, бутун дунё кўзгусида талқин қилинади. Бу усулда бир давр ёки шахслар фаолиятига таҳсил давомида бир неча марта тўхталишга тўғри келади, ўқувчининг билими ривожлантириб борилади, энг асосийси аҳволни бугунги кун билан қиёслаш имкони пайдо бўлади. Ҳозир V синфда “Тарихдан ҳикоялар” берилган, шу усулни давом эттириш мақсадга мувофиқ. Дастурни воқеаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ўқувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, “оддийдан мураккабга” тамойили асосида тузиш мумкин. Хуллас, лойиҳа сифатида биз тавсия қиладиган тартиб тахминан қуйидагича:

V синфда шаҳарлар тарихи;
VI синф — ҳунармандчилик тарихи;
VII синф — буюк шахслар тарихи;
VIII синф — ижтимоий формациялар тарихи;
IX синф — динлар тарихи;
X синф — давлатчилик тарихи;
XI синф — маданият тарихи.

Мазкур принципда боланинг ёш хусусиятлари, дунёқарашининг кенгайиб бориши, шахсиятининг шаклланиши сингари омилларни ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Масалан, таҳсилни шаҳарлар тарихидан бошлашдан мақсад — бу ёшда бола атроф-теваракка синчков назар билан қарайди, ўзига ёқимли нарсалар излайди. Шунда унинг атрофидаги муҳит саволларига жавоб бериши мумкин. Қолаверса, мактабда ватанпарварлик туйғусини сингдириш энг биринчи талаблардан ҳисобланади. Ўз қишлоғининг, шаҳрининг тарихини билмасдан эса бу вазифани уддалаш қийин. Шунинг учун боланинг тарихдан илк сабоғи ўзи яшаб турган маконнинг тарихини ўрганишдан бошлангани маъқул, деб ўйлаймиз.

Албатта, бир мавзу (ҳар бир синфга мўлжалланган ўқув дастурини жаҳон тарихининг бир мавзуси, деб аташ мумкин) ўргатилар экан, фақат ахборий маълумотлар билан чекланилмайди, балки ҳодисанинг юзага чиқиши, аҳамияти, ўтмишни баҳолашда ва келажакка таъсири сингари қирралари талаб даражасида ёритилади. Дейлик, VII синфда ўрганишга мўлжалланаётган “Буюк шахслар тарихи”, аввало, боланинг ёш хусусиятларига мос (шу йилларда ўсмир биологик жиҳатдан тез ривожланиш босқичига киради, хаёллар тизгинсиз, ўзига идеал излайди ва ҳоказо), шунга кўра шахслар ҳақида гап кетганда у зотнинг шунчаки таржимаи ҳоли эмас, кўпроқ фаолиятининг аҳамиятига урғу берилади.

Бизнингча, мактабдаги ўқув дастури ана шундай тартибда тузилса, анча қизиқарли бўлади, ўқувчилар тарихий далилларни қуруқ ёдлашдан кўра, уларнинг моҳиятини англаш ҳамда мулоҳаза юритиш малакаларини ҳосил қилади. Зеро, тарихни ўрганишнинг бош мақсади ҳам ўтмиш сабоқлари билан келажак авлодни тарбиялашдир.

Умуман, бу тавсия — мулоҳазамиз шунчаки бошланғич лойиҳа, унинг тўлдирилиши, мукаммаллаштирилиши мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Ҳаким САТТОРИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Анварбек МУҲАММАДИЕВ,
тарих фани ўқитувчиси.

АФСУС

Дарсдан қайтаётгандим, ногаҳон кўпқаватли уйлардан бирининг кириш эшиги ранг-баранг шарлар, ялтир-юлтур тасмалар билан безатилаётганига кўзим тушди. Атроф топ-тоза.

“Ўнта қўй нима бўлади?”

Болалар қувончдан бир-бирини қувлаб, рангдор шарларини ҳавода ўйнатиб югуришарди. Кўринишидан яқиндагина оила қурган бир неча янгалар атрофни безатишарди. Қизиқишим ортиб, шу яқиндаги ўриндиқлардан бирига жойлашиб, уларни бироз кузата бошладим. Хонадон деразасига сариқ рангли ҳарфлар билан “НОИЛА”, деган сўзлар аскарчалардек тизиб қўйилган.

Ана, мультфильм қаҳрамонлари ҳам пайдо бўлишди. Англадимки, бу ерда Ноила исмли қизнинг туғулган куни нишонланяпти. Қандай бахтиёр қиз экан-а, деган фикр хаёлимдан ўтди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай, совғага олиб келинаётган бешик, велосипед, болалар краватчаси ва аравача барча тахминларимни йўққа чиқарди. Бироздан сўнг, хонадон атрофини карнай-сурнай садолари ва машиналар шовқини босиб кетди. “Байрам қаҳрамони” ҳали туғилганига бир ҳафта бўлмаган чақалоқ экан...

У онасининг бағрида атрофдаги шовқин-сурондан беҳаловат бўлиб, ғалати қўзғалиб қўярди. Болаларнинг, “укам келди”, “синглим келди” дея ҳайқиришлари, созандаларнинг бор маҳоратини кўрсатиб, куйларни чалиши гўдакни уйқудан уйғотди. Ҳамма тўй соҳиблари — ота-онани қутлаш билан овора. Бир томонда эса суратчи бу лаҳзаларни тарихга муҳрламоқда.

Хўш, бу дабдабаларнинг барчаси мурғак Ноилага нима учун керак?! Одамлар йиллар давомида йиғиб-терганини мана шундай “очил дастурхон”ларга сочади. Етмаганига қарз ҳам кўтаришади. Бу каби ҳаракатларимиз билан кимга ва нимани исботламоқчимиз?

Беихтиёр эсимга ўша “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги тўй воқеаси тушди: “Ўнта қўй нима бўлади?..” Чақалоқ Ноилахон бехабар, ота-онаси қанча чиқимга тушди экан? Катта бўлганида: “*Гўдаклигингда қарз кўтарганмиз, энди турмушга чиқаяпсан, яна қарз кўтарамиз*”, дейишса, унга оғир ботмасмикин...

Гарчи кейинги пайтда жамоатчилик, маҳалла-кўй фаоллари одамларни ортиқча харажатдан сақлашга ҳаракат қилишаётган бўлса-да, афсуски, исрофгарчиликлар ҳали-ҳануз барҳам топаётгани йўқ. Олиб келинган совғалардан ташқари, тоғора-тоғора пиширириқлар, сомса-ю норин, қовурдоқлар ҳамёнингизни анчагина бўшатиб қўяди, шундай эмасми?!

Энди машиналар, созанда, фотосуратчи, мультфильм қаҳрамонларига кетган харажатларни ҳам қўшиб ҳисоблаб кўринг-га... Ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган, тинчлигу осойишталиқдан бошқа нарса керак бўлмайдиган бу гўдакка шунча даб-даба шартми? Ундан кўра, харажатларни бироз қисқартириб, она-боланинг саломатлиги ҳақида ўйласак, мақсадга мувофиқ бўлмайдими?

Албатта, аҳоли муҳокамасига қўйилиб, билдирилган фикр ва таклифлар инобатга олиниб, қонун чиқарувчи қуйи палата томонидан такомиллаштирилган, Сенат томонидан тасдиқланган тўй, оилавий маросим ва маракаларни тартибга келтирувчи ҳужжат кучга кирганлигини кўплар қатори мен ҳам эшитдим. Аммо барибир, айрим ўзига тўқ юртдошларимизнинг юқоридаги каби ақлга сиғмас тантаналари ҳали-ҳануз давом этаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Хаёллар оғушида уйимга йўл оламан. Бошқалар ҳам шундай ўйлашармикан?..

Нафосат ОЛМОСОВА,
ЎзЖОКУ талабаси.

Реклама ҳуқуқи асосида

XalqBanki жамоаси

барча юртдошларимизни ва ҳарбий соҳа вакилларини 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайди.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан бунда, албатта, ватанимиз посбонларининг ҳиссаси беқиёс. Шундай экан, уларнинг тинчлигимиз йўлидаги машаққатли ва юксак хизматларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Мамлакатимиз қалқони бўлиш ҳар бир ўғлонимизга насиб этсин!

Шу билан бирга, халқимизга банкимизнинг янги хизмат турларини таклиф этамиз:

“КОБЕЙЖИНГ” КАРТАЛАРИ
Халқ банки “Кобейжинг” карталари Ўзбекистон ҳудудида миллий валютада, 170 дан ортиқ давлатларда ушбу давлат валютасида нақд пул ечиш ва тўлов қилиш имконини беради. Бунинг учун алоҳида халқаро тўлов картаси очиш ва конверсия қилиш шарт эмас.

“GOLD CREDIT” “КОБЕЙЖИНГ” КАРТАСИ
бу картани очиш 100 000 сўм. Пластик картага хизмат кўрсатиш учун йиллик БҲМнинг 1 баробари миқдорида банк хизмати ундирилади. Ажратилган кредит бўйича имтиёзли давр — 30 кун, фоиз ставкасида кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 33 фоиз ундирилади.

“КОБЕЙЖИНГ БИЗНЕС” ВА “КОБЕЙЖИНГ КОРПОРАТИВ” КАРТАЛАРИ
юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга бизнесни ривожлантириш учун янада кўпроқ имкониятлар ҳамда енгилликлар яратиш учун тақдим этилмоқда.

Ватанимиз сарҳадлари осуда бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Сарлавҳадаги бу сатрлар шоирнинг 31 ёшида ёзган шеъридан олинган. Жўрабек Рамазон. Бойсунлик шоир. Қисмат битиги шундай экан-да, у 2014 йили, 31 ёшида бу дунёни тарк этди. Қисқа умри даврида бетакрор шеърлар ёзиб қолдирган Жўрабек Рамазонга аслида нима бўлган эди? Унинг ҳаёти қандай кечганди? Жўрабекдан қайси асарлар мерос бўлиб қолди? Марҳум шоирнинг рафиқаси Нодира ЖЎРАҚУЛОВА билан суҳбатимиз шулар ҳақида бўлди.

«Шоир нега яким бўлди бугун, эшитмадингизми, у ўлди бугун?..»

— Нодира, бу мавзуда сиз билан суҳбатлашиш бизга ҳам осон эмас. Биламиз, ҳаётдан эрта кўз юмган умр йўлдошингиз қайғуси, айрилиқ дардини унутиш осон эмас. Аммо Тангрининг иродаси шу экан-да. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шундай ёзган эди: "Кузда Бойсундан кўнгироқ қилган оғайнилардан бири Жўрабекни "бериб қўйишганини" айтди. Касал бўлмасдан — ярим кунгина ётар-ётмасдан — жон узибди. Музлаб қолдим. "Бу дунёнинг одами эмас эди ўзи", деб ўйладим, ичим куйиб..."

Энг аввало, у билан танишувингиз, турмуш қурганингиз хусусида гапириб берсангиз?

— Мен Жўрабек акани эсимни таниганимдан буён билардим. Биз бир кўчада бирга ўйнаб, катта бўлдик. Битта мактабда ўқидик. У опамнинг синфдоши эди. Мен бадиий китоб мутолаа қилишни яхши кўрардим. Бир куни опам: «Жўрабекнинг китоблари роса кўп, лекин сўрасак, қизғанчиқ, бермайди», деб қолди. Кечқурун Жўрабек акадан ўқиш учун китоб бериб туришини сўрадим. У мени уйларига таклиф қилди. Ўшанда хонасига кириб, ҳайратга тушганман. Бир дунё китоб, газета-журналлар, деворларда ҳар хил суратлар... Кейин билсам, бу хонада у кишининг ҳар кимни ҳам олиб кирмайдиган ўзига хос дунёси бор экан. Шу-шу, мен бу хонадан истаган китобимни оладиган ва авайлаб ўқиб, қайтарадиган бўлдим. Кейин математика лицейида ўқий бошладим, аниқ фанларга қизиқиб қолдим.

Жўрабек ака мактабда ўқиш билан бирга туманимиздаги "Бойсун" газетасида мухбир бўлиб ишларди. Газеталарда чоп этилаётган ижод намуналарини ички бир қизиқиш билан кузатиб борардим, кўчакўйда учрашиб қолганимизда фикрларимни билдирардим. Биз шу тариқа улғайдик.

Мен ўқишга киролмаганимдан кейин Жўрабек ака таҳририятга матн терувчи кераклигини, хоҳласам ишлашим мумкинлигини айтди. Таҳририятга ишга кирдим. Биз бу адабий муҳитда икки йил бирга ишладик. Йиллар бизни бир-биримизга яқинлаштирди, оила қуриш вақти келганда эса айрилишимиз мумкин эмасдек туюлганди менга. Ишонасизми, шунча шеър ёзган инсон юзимга қараб битта дил изҳори қилолмаган. Менга муносабатларини ҳар куни телефонимга юборадиган шеърларидан билиб олганман. Афсуски, биз беш йилгина бирга яшадик. Жудолик оғир, аммо ҳаёт давом этар экан-да...

— Жўрабек қандай инсон эди? Ўзининг дунёси, борлиғи бўлганини айтдингиз. Оилада, ҳаётда аслида қандай эди у?

— Жуда оддий, камтар, самимий инсон эди. Оилада алоҳида ўрни бор эди. Ота-онаси, опаларининг суянган тоғи, укаларига яқин маслаҳатчи эди. Шеър, ҳикоялар ёзишдан ташқари, расм чизар, қоғоздан ҳар хил нарсалар ясардилар. Боғни парвариш қилиш, гуллар шўстириш уларнинг бўш вақтида шуғулланадиган ишлари эди. Жуда болажон эдилар, фарзандлари, жиянлари билан эринмай бирга ўйнар, уларга шеърлар ўргатар, сайрга олиб чиқардилар.

Жўрабек акани йўқотиш мен учун оғир жудолик бўлди. Энди билсам, инсоннинг ўзига хос дунёсига, менимча, унинг энг яқини ҳам кира олмас экан. Жўрабек аканинг дунёси, борлиғи ўзгача эди. Ҳатто менга ҳам мавҳум сирли нарсалар у кишини ўраб турган экан...

— Жўрабек Рамазоннинг биз билган таржимаи ҳоли умри каби қисқа: 1983 йили Бойсун шаҳрида туғилган. Тумандаги 1-мактабда таҳсил олган. Ижод намуналари Республика матбуотида эълон қилинган. Ўзбекистон ёш ижодкорларининг анъанавий «Зомин» семинари иштирокчиси. «Тавалло» (2003), «Бугун» (2008), «Юр, қочиб кетамиз» (2011) номли шеърий тўпламлари нашр этилган. «Бойсун» газетасининг адабий бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган. 2014 йили юрак хуружидан вафот этган...

Кўпчиликни қизиқтиргани: Жўрабек ижодга қандай кириб келган? Ёзган асарларига қараганда, у анча ёшлигидан шеърлар ёза бошлаганга ўхшайди...

— У кишининг онаси китобсевар, диний ва дунёвий билимларга эга аёл, шеър, ҳикоялар ёзиб туради. Жўрабек аканинг шеириятга кириб келишини, аввало, Худо берган истеъдод деб биламан. Қайнонам шундай хотирлайди: *«Мен Жўрабекка алла ўрнига достонлар, ғазаллар айтиб ухлатардим. У уч ёшгача гапирмаган, фақат мени жим тингларди. Катта бўлганида мен обуна бўлган газета-журналлардаги шеърларни қирқиб, йиғиб юрар экан. Бир куни билиб қолиб, қаттиқ жазолаганман. Кейин бу ишимдан роса пушаймон бўлдим. Унинг шеър ёзишини билиб қолиб, таҳририятга ўзим олиб бориб чиқартирганман, чунки ўзи ёзганларини ҳаммадан яшириб юрарди».*

У кишининг эътиборидан бирор нима четда қолмасди. Атрофдаги содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни шеър қилиб ёзардилар. Масалан, онасидан уч ёшгача тили чиқмаганини эшитганидан сўнг «Онамга» деган шеърни ёзганлар: *Гоҳида жилмайиб эслайди онам:*
«Қарийб тўрт ёшгача тилинг чиқмаган. Бир нима билолмай ҳалак фолбин ҳам, Дўхтир томоғингга нелар тиқмаган...»

Бир куни интернетга бир шеър жойлаганлар. Унда «Ялинаман» деган сўз бўлган. Шунда бир шоир йигит «Сурхон йигитлари ҳеч кимга ялинмайдиган мард ва жасур деб эшитганман, бу нимаси, «ялинаман» деб ёзибсиз?» дебди. Унга жавобан «Эланиш» деган шеъри яратилган:

Яшамадим гарчи ер бўлиб,
Лекин лозим гоҳо тан бериш.
Ажабланманг, агар эр бўлиб,
Эланишим туюлса эриш.
Болаликдан сиғмай танамга,
Орзуларга беланган эдим;
Илк бора шу азиз Ватанга
Озод бўл, деб эланган эдим...

— Жўрабекнинг ижодида кўпроқ тушкунлик бордек туюлади. Нега шундай? Эҳтимол, атрофдагилардан тез ранжийдиган одати бўлгандир? Шоирларнинг кўнгли нозик бўлади-да!

— Ҳа рост, баъзан ҳикояларининг хотимасида бош қаҳрамонни «ўлдириб» қўярди. Мен бу ҳақда кўп сўраганман. *Ҳатто қаҳрамонларни бахтли қилиб, ҳикояни якунлашларини илтимос қилганман. «Мен ҳам уларнинг бахтли бўлишини хоҳлаган эдим, нимагадир ёзганларим ўлимга қараб бораверади, ўзим ҳам билмай қоламан», деганлар.* Балки илоҳий бир куч бошқаргандир...

Лекин мен барибир у кишини тушкун инсон эди, деб айта олмайман. Аксинча жуда қувноқ, ҳазилкаш эди. У киши қатнашган давралардан ҳазил-мутойиба аримасди. Дарвоқе, Жўрабек аканинг «Уста қишлоқийнинг бошидан кечирганлари» номли латифанамо тарзида ёзилган бир неча шеърлари бор. Бундан ташқари, «Бойсун» газетаси саҳифаларида байрамларга аталган ҳазил шеърлари, латифалари босилиб чиқарди. Жўрабек акани кўп қиррали ижодкор дейиш мумкин.

Ҳаётдаги ноҳақликлар, табақаланишлар уни кўпроқ ранжитарди. Инсонларнинг ташвиш, муаммоларини кўнглига яқин олиб, қийналиб юрарди. Кимдир касал бўлса, яқинлари моддий томондан қийналса ёки кимдир бевақт вафот этса, неча кунлар ўйлаб, азият чекарди. Ҳамма нарсани юракка яқин олавериши, чарчатиб қўйдими ё умр панд бердими, билмадим...

— «Ошхона-ю чойхоналарда кўринмайди. Нимагадир бир ўзи юради. Биров билан бундай қўшилиб кетадиган бола эмас. Оғиргина йигит...» Бу – Жўрабекка берилган таърифлардан бири. Феъл-атвори шунақа эдими ўзи?

— Йўқ, Жўрабек ака ошхона-ю чойхоналарда ҳам юрарди. Дўстлари, ошналари кўп эди. Улар орасида ичадиган, чекадиганлари ҳам бор эди. Кўпчилиги шеириятдан узоқ бўлганлиги учунми, балки улар билан борди-келдини камайтиргандир. Бир куни бир ўртоғи билан иш ҳақида суҳбатлашиб, унга озроқ маслаҳат берган экан: «Эй жўра, бу сенга шеър ёзиш эмас, ўтириб ёзсанг-қўйсанг», дебди. Шунда жуда хафа бўлиб менга айтиб бергандилар: *«Жўраларим шеър ёзишни осон деб ўйлашади, улар учун бу иш эмас, бир эрмакдек, битта шеърни ёзиш учун минг жойим оғришини улар қаердан тушунсин?»* — деганди.

Фарзандлари туғилгандан кейин кўпроқ улар билан овора бўлиб қолдилар. Иш, ижоддан бўш вақтларини оила даврасида ўтказишни яхши кўрардилар. Аммо ҳамкасблари, шоирлар, ижодкорлар билан яйраб суҳбат қурардилар. Ҳамон эсимда, ўша куни менга «Усмон Азим мени учрашувга чақирибди», деб айтиб роса ҳаяжонлангандилар.

— Ажал келса, пешвоз чиқаман, чунки Чақирмайди мени Худо бекорга...

— Барибир, Жўрабек ўлим ҳақида ҳам кўп ёзган. Насрда эса мистикани қўллаган. Аксар шоир, ёзувчилар ичидаги кечинмаларини аҳли оиласига айтмайди, айта олмайди. Ижоди ҳақида сизга кўп гапирармиди Жўрабек?

— Ҳар куни ишга кетганларидан кейин иш столини йиғиштирардим. У ерда янги нимадир ёзилган бўларди. Биринчи ўқувчиси мен эдим, ишдан келганларидан кейин фикримни айтардим. 31 ёшга кирган кунлари бир шеър ёзиб стол устига қўйибдилар:

...Шоир нега жим бўлди бугун,
Эшитмадингизми, у ўлди бугун?

Шеърни ўқиб, музлаб қолдим: одам ҳам шунчалик ёмон ниятли бўладими?! Тузукроқ шеър ёзса бўлмайдими, деб кўнглимдан ўтказиб қўйдим. Келганларида эса «Нимага бундай шеър ёздингиз?» — десам, мийиғида кулиб, жавоб ҳам бермадилар. Ҳозир ёзганларини қайта-қайта ўқийвераман-ўқийвераман, мағзини чақишга уринаман, худди у тақдирини башорат қилгандек, ўлишини олдиндан билгандек ёки ўлимни ўзига чақириб олгандек туюлади менга...

Шу ўринда битта сирни очмоқчиман: 2007 йили, ўлимидан 7 йил олдин яъни мен у кишига турмушга чиқишимдан икки йил бурун *«Нодира, мен кўп яшамайман, менга турмушга чиқсангиз, сизни барвақт ташлаб кетаман, кейин қийналиб қоласиз»*, деганлар. Ўшанда роса кулган эдим, *«сиз башоратчимисиз, қачон ўлишингизни қаердан биласиз, сизни ўлишга қўяманми?»* — дегандим. Вафотидан кейин бу гапларини кўп эладим... Ахир, тўшакка михланиб ётган бемор ҳам ўлимни ўйламайди, аксинча, тузалиш, яшашни истайди...

Мистик ҳикоялар, детектив, вампирлар ҳаёти ҳақидаги асарларни кўп ўқирдилар. Балки шунинг учун ҳам асарларида мистикани кўп қўллагандир. Биз кўп нарсалар ҳақида гаплашишга улгуролмай қолдик. Фарзандларимиз ёш эди. Бири тўрт, бири бир ярим ёшда. Биз кўпроқ улар билан овора эдик. Ёш ота-она эдик. Афсус, бизда дилдан суҳбатлашишга фурсат кам бўлди.

— Жўрабекнинг гўзал шеърлари бугун янада кўз очмоқда. «Мен шу ёмон қизни яхши кўраман» — нақадар ажойиб шеър. Хонанда Имрон қўшиқ қилиб куйлади. Радио мавжларида янграмоқда, видеоклипи кўрсатиляпти. Шу шеърнинг ёзилиши ҳақида айтиб беролмайсизми? Дарвоқе, қўшиқ яратилишидан олдин сизга мурожаат қилишдими?

— Бу мен учун жудаям кутилган савол бўлди. Атайлаб мен учун ёзилган ва менга ҳаяжонга солган шеър. Жўрабек ака уни ишхонада, ёнимда ўтириб 3-4 дақиқада ёзиб тугатган ва менга бериб: *«Ўқиб кўринг-чи, сизни қандай таърифлабман»*, дедилар. Мен ўқиб хурсанд бўлганимни сездирмай: *«Нега энди мен ёмон қиз эканман?» — дедим. «Мен дарров гапга кирадиган мулойим қизларни эмас, ўз гапидан қолмайдиган қайсар, ёмон қизни яхши кўраман»*, дегандилар.

Биз Жўрабек ака билан бирга «Бойсун» газетаси саҳифаларини тайёрлар эдик. Шунда қарасам, бир саҳифа тайёр, тепасига катта-катта ҳарфлар билан «ЁМОН ҚИЗНИ ЯХШИ КЎРАМАН» деб ёзилган. Пастда эса 5-6 та шеър. Менга аталган шеър газетага чиқаётгани учун нималарни бошимдан кечирганимни таърифлаб бера олмайман. 2007 йил эди ўшанда.

> *Қорайиб йўқолар шафақнинг юзи,*
> *Туннинг қучоғида бедор юраман.*
> *Бир қиз бор— дунёнинг энг ёмон қизи,*
> *Мен шу ёмон қизни яхши кўраман...*
>
> (Шоирнинг қўшиқ бўлган *«Мен шу ёмон қизни яхши кўраман»* шеъридан)

Шеърнинг қўшиқ бўлганини тасодифан интернет орқали билиб қолдим. Қўшиқчининг ўзи ҳам бу шеърни интернетда ўқиб, қўшиқ қилибди, муаллифининг вафот этганидан хабари йўқ экан. Очиғи, қўшиқни эшитиб хурсанд бўлдим.

— Жўрабек боши оғришини кўп айтар экан. Қандай касал эди у?

Умуман, умрининг сўнгги кунлари қандай кечди? Нималар ҳақида гапирарди?

— Жўрабек акани касал эди, деб айта олмайман. Тўғри, баъзан боши оғрир, гоҳида қон босими кўтариларди. Буни барчада учрайдиган табиий ҳол деб қараганмиз. Кўп врачларга қаратдик. Аммо барчаси «Сиз соппа-соғсиз, асабларингиз бироз чарчаган», деган гапдан нарига ўтмаган. Сўнгги пайтларда гавжум жойларда юришни хоҳламас, йиғин, тўй-маъракаларга боргиси келмас, кўпинча уйда ижод билан машғул эди.

Хабарингиз бор, Жўрабек аканинг «Огоҳнома» достони бор. У жуда қисқа вақтда ёзилди. Бу достонни ўқисангиз, шоирнинг жуда кўп диний ва дунёвий китобларни ўқиганига гувоҳ бўласиз. Достонни шу қадар шошиб ёздиларки, кеча-ю кундуз оромни унутдилар. Афсуски, унинг фақатгина биринчи қисми ёзиб тугатилди. Умрининг сўнгги кунлари бу китобнинг иккинчи қисмини қандай ёзиш ўй-фикрлари билан банд эдилар. У киши Жалолиддин Румийнинг «Маснавий-маънавий» асарини жуда яхши кўрарди. Унинг форстожик тилида ёзилганини ўзбекча таржимаси билан солиштириб, ўзларича таҳлил қилаётган эдилар.

Ўша мудҳиш кун дам олиш куни эди, Қурбон ҳайити арафаси. Мен уй ишлари билан машғул эдим. Жўрабек ака одатдагидек компьютер қаршисида ўтирар, болалар ҳам ёнларида эди. Кейин бирдан чироқ ўчиб қолди. Шунда чиқиб, *«Бир шеър ёзиб «Бекажон»га жўнатдим. Етиб бордими, бормадими, билмайман, чироқ ўчиб қолди»*, дедилар (вафотидан бир неча кун ўтиб, ўша шеър «Бекажон»да босилиб, бизга етиб келди).

Бироздан сўнг «Нимагадир мазам бўлмаяпти, қон босимимни ўлчаб кўр», — дедилар. Қон босимини ўлчасам, жуда паст. Қўрққанимдан «Тез ёрдам» чақирдим. «Тез ёрдам» келгунча улар тинмай «Энди мен ўламан, болаларни эҳтиёт қилгин», дер эдилар. Ваҳимага тушиб қолдим. «Тез ёрдам» билан у кишини шифохонага олиб бордик. У ерда бир-икки уколлар қилишгач, аҳволи анча яхшиланди. Лекин врачлар бизга ўйда инфаркт олганини айтишмади. Фақат ўрнидан қўзғатманглар, деб кетишди. Оналари ва мен ёнларида эдик. Аҳволлари яхшиланиб, «Жуда қўрқиб кетдим, кўкрак қафасим ёмон оғриди, ўлиб қоламан, деб қўрқдим, менга бир нима бўлса сизлар нима қилардингизлар?» — дедилар. Бир соатми, ярим соатми ўтиб, яна ўзларини ёмон ҳис қила бошладилар. Врачларни чақирдик. Ёрдам беришолмади...

Қандай ёрдам беришсин, Жўрабек акадай инсон юрак хуружи билан келса-ю бирор-бир мосламаси йўқ оддий палатада чўзилиб ётса. Эсласам, жуда-жуда хафа бўлиб кетаман, ахир врачлар бизга инфаркт олганини айтишса, ҳеч бўлмаса уни реанимация хонасига ётқизиб, кислородми, бошқа нарсалар билан таъминлаб, иккинчи юрак хуружидан асрашини илтимос қилардик...

Ҳаммаси Худодан, умри шу экан, дея ўзимни овутаман. Ўлим соя солар эканми, билмадим, умрининг сўнгги кунлари бироз паришон, жиззаки бўлиб қолган эдилар.

— Адашмасам, қайнонангиз билан бирга турасиз. Икки фарзандни ўстириш қийин кечмаяптими? Отасини нима деб эслашади улар?

— Ҳа, мен қайнонам-қайнотамнинг уйларидаман. Улар азиз фарзандларидан жудо бўлишганди, невараларидан ҳам айиргим келмади. Қолаверса, бу уйда Унинг нафаси сезилиб туради. Ҳамма жойда у бордек, китоб жавонлари, иш столи, қўлёзмалари, кийим-кечаклари, компьютери, ҳаммаси қандай бўлса шундайлигича турибди. Бу муҳитдан чиқиб кетиш менинг қўлимдан келмасди. Онамнинг уйлари яқин, Аллоҳга шукур, улар ҳам менга далда бўлишади. Қайнота-қайнонам мени ўз қизларидай кўришади. Фарзандларим — қизим Жасмина ва ўғлим Жавоҳир ота ўрнида амакиларининг меҳрини кўриб ўсаяпти. Ўзим ҳам қайнукаларим Отабек ва Ҳумоюнга кўп ҳолларда суянаман. Ўғлим дадаси вафот этганида бир ярим ёшда эди. Эндигина юриб кетган, гапиришни ўрганаётган эди. Унга эринмай ҳар куни дадаси тиззасига ўтқазиб, 3-4 та сўз ўргатарди. Ҳозир «Дадангни эслоласанми?» — деб сўрасам «Йўқ», дейди. Расмлари, овозли шеърлари, видеолари орқали танийди. Менга дадаси ҳақида кўп савол беради.

Биласизми, Жавоҳир дадасига ҳар томонлама ўхшайди (илоҳим умри ўхшамасин), жудаям ҳозиржавоб, гапларни топиб гапиради. Ҳали мактабга чиқмаган бўлса-да, ўқиш-ёзишни ўрганган. Юрган йўлида қофия топиб, шеър тўқийди. Дадасининг кўп шеърларини ёд олган. Юзга яқин шеър билади.

Қизим дадасини яхши эслайди ва, ҳалигача йўқотганига кўника олмай, менга ҳам, ўзига ҳам кўп азоб беради. Чунки, Жасмина дадаси билан доим бирга эди, қўлидан етаклаб юрардилар, ҳатто ишга ҳам олиб кетаверардилар. Шунинг учун у ҳозир қандайдир асабий, болалик эркаликлари ва шўхликларидан йироқ, жуда тез улғайди. Бу йил 3-синфга боради. Мактабда аъло баҳоларга ўқийди.

Фарзандларим — менинг борлиғим. Улар билан дарду ғамларимни унутаман, келажакда ўқимишли, яхши инсонлар бўлишларига умид боғлаб яшаяпман. Қийналган пайтларим уларга қараб ўзимни қўлга оламан. Уч йилдан буён «Бойсун» газетаси таҳририятида ишлаяпман. Ҳаётдан нолиш Аллоҳга исён қилиш билан баробар дейишади. Яратган бирор нарсани беҳикмат қилмайди. Шунинг учун унинг синовларига сабр билан, шукур билан яшаш керак экан...

— Вафотига қадар Жўрабек Рамазоннинг учта китоби чиққан эди. Ўлимидан сўнг иккита китоби нашр этилибди.

— Ҳа, вафотларидан кейин мен учта китобга чиқмаган шеърларини дафтарлардан саралаб, компьютерга киритдим. Шунда бойсунлик ижодкор Дилбар Йўлдошеванинг ўғли Ҳасан Исматуллаев, ўзи ҳам ижодкор, Тошкентда яшаб, ижод қилади, «Жўрабек аканинг шеърларини Усмон Азимов сўраяпти, китоб қилиб чиқартирар экан», деб қолди. Мана, «Умр» номли шеърий тўплам дунё юзини кўрди. Биз бунинг учун Усмон акадан ҳам, Ҳасан Исматуллаевдан ҳам миннатдормиз. Мен ижтимоий тармоқларда шоир Амир Худойбердиев билан ёзишиб қолдим. У киши Жўрабекнинг кўпгина шеърларини «Теран илдизлар», «Чағониён тараннуми», «Ҳаёт чашмалари» каби тўпламга киритдилар. «Шайтондара» мистик ҳикоялар тўплами тайёр ҳолда эди. Жўрабек ака уни ҳужжатлаштириб олиш учун тайёрлаб қўйганди. Бу китобни Амир Худойбердининг ёрдами билан «Мусиқа» нашриётидан чиқартирдик. Икки китоб ҳам мухлисларининг қўлига етиб борди. Ҳали кўплаб шеърлари, бир нечта қиссалари, ҳикоялари бор. Насиб этса уларни ҳам китоб қилиб чиқарамиз, деган ниятдамиз.

Анвар НАМОЗОВ суҳбатлашди.

Шоир Жўрабек Рамазон шеърларидан намуналар газетамизнинг 8-саҳифасида.

МУТОЛАА ЗАВҚИ

Мен кўприк эдим, совуқ ва қаттиқ, жарлик устида ётардим. Бу томонда ерга оёқларимнинг бармоқлари кирган, у томонига эса қўлларим, тишларим билан қумоқ тупроқли ерга маҳкам тирмашиб олганман. Узун камзулимнинг орқа этаклари ён томонларимда осилиб турарди. Пастда гулмоҳи балиқли муздек анҳор шовиллайди. Ҳеч бир сайёҳ бу ўтиб бўлмас тик жарликни кезмаган, кўприк ҳали харитада белгиланмаган эди... Мен шундай ётар ва кутардим, кутишга ўз ихтиёримсиз мажбур эдим. Ҳеч бир кўприк қуламасдан туриб, гарчи яқинда қурилган бўлса ҳам, кўприк бўлишдан тўхтамайди.

Бу кечга яқин юз берди, биринчи кечамиди бу, мингинчими, билмайман. Ўйларим ҳамиша бетартиб ва ҳар доим айланиб юрарди. Ёзда, кечга томон чашма шовуллаб оқарди, шунда мен инсон қадамларини эшитиб қолдим! Мен томон, у менга томон келарди... Ҳой, кўприк, тўғрилан, тутқичсиз тахта, сенга ишонган одамга маҳкам туриб бер. Унинг қадамлари хатосини бироз юмшат, агар чайқалиб кетса, нимага қодирлигингни кўрсат ва гўёки тоғлар маъбуди каби, уни бошқа томонга ирғитиб юбор.

Одам яқин келиб, темир ҳассасининг учи билан тақиллатиб кўрди, сўнг камзулимнинг этакларини кўтариб, тўғрилади. У ҳассасининг учини ҳурпайган сочларим орасига суқди ва кўриниб турганидек, атрофга ёввойиларча аланглаб, уни узоқ вақт олмади. Кейин мен унинг ортидан тоғлар ва водийлар ортида орзуларга чўмганимда, у танамнинг қоқ ўртасида икки оёқлаб ирғишлай бошлади. Мен кучли оғриқдан буткул ғафлатда титраб кетдим. Бу ким эди? Болами? Рўёми? Катта йўлдан келган қароқчими? Худкушми? Йўлдан оздирувчими? Вайронкорми? Мен уни кўриш учун ўгирила бошладим... Кўприк бурила бошлади! Қайрилиб қарашга ҳам улгурмай, қулаб тушдим. Мен энди қулаб тушган ва парчаланиб кетган, шовуллаган сойдан очиқ чеҳра билан қараб турувчи қиррали силлиқ тошларга санчилган эдим.

Машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг ушбу асарида ўсмир болалар тилидан, улар ҳаётидан ҳикоя қилинади. Сиз болаларча беғуборлик, соддалик ва самимият билан Ватанингизни севиб қоласиз...

«Ҳелладос»

Воқеалар Грузияда юз беради. Бир кўчада кўксига "Ҳелладос" ёзуви тушурилган, 14 яшар Янгули деган муштумзўр бола яшайди. Кўчасига янги болакай — Жамолнинг келиши ва унга бўйсунмаслиги Янгулига ёқмайди, мудом иккиси муштлашиб юради. Бир куни муштумзўр боланинг ҳаммаёғи кўкарган ҳолда келиши Жамолни ҳайрон қолдиради. Маълум бўлишича, отаси ўз ватани — Элладага кўчиб кетишга ундаган, болакай кетмасликка қарор қилган. Жамол ундан нега кетмаслигини сўраганида, у: "Мен учун ватан — бу Сухуми, бу...", дея барча ўртоқларини санаб чиқади ва "Сухумидаги энг чиройли қизча Мида, бу Венециан кўчаси, бу сен", дейди. Жамол унинг кўксидаги ёзувни кўрсатиб, унда бу нима, дея сўраганида: "Бу нақш, Жамол, Ватан унинг тагидаги юракнинг ичида", дейди.

Уларнинг оиласи кўчиб кетади. Эртаси куни балиқчилар соҳилдан бир боланинг жасадини топиб олишади. Юзини таниб бўлмайди, аммо Жамол уни кўксидаги «Ҳелладос» ёзувидан ва кўкарган иягидан таниб қолади... Болакай даҳшат ичида югуриб келиб, холасининг оёғини қучоқлаб йиғлайди: "Янгули қайтиб келди, хола!.."

Болалар тимсолидаги бу фидойилик ва ватанпарварлик сизнинг ҳам қалбингизни ларзага келтириши шубҳасиз...

Рус тилидан
Холниса РАҲМОНҚУЛОВА таржимаси.

ТАБАССУМ

ОҚЛАРИМИ, ҚОРАЛАРИМИ?

Мухбир: — Қўйларингиз нима ейди?
Чўпон: — Қайси бири — оқларими, қораларими?
Мухбир: — Қоралари.
Чўпон: — Ўт.
Мухбир: — Оқлари-чи?
Чўпон: — Улар ҳам ўт ейди.
Мухбир: — Кечаси уларни қаерда сақлайсиз?
Чўпон: — Оқларинимми, қораларинимми?
Мухбир: — Қораларини.
Чўпон: — Катта бир оғилда.
Мухбир: — Оқларини-чи?
Чўпон: — Уларниям ўша ерда.
Мухбир: — Устларини нима билан тозалайсиз?
Чўпон: — Оқларинимми, қораларини?
Мухбир: — Қораларини.
Чўпон: — Сув билан.
Мухбир: — Оқларини-чи?
Чўпон: — Уларниям.
Мухбир асабийлашиб: — Фарқи йўқ экан-ку! Нега оқларинимми ёки қораларинимми, деб сўрайверасиз? Мен сизни масхара қилаётганим йўқ-ку!
Чўпон: — Ахир оқлари менинг қўйларим-да.
Мухбир: — А-а. Шундай демайсизми? Қоралари кимники?
Чўпон: — Улар ҳам меники...

Зухриддин АБДУЛЛАЖОНОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

Муаллиф Ҳусан СОДИҚОВ.

ТАФАККУР

Маълумдирки, дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик, қизғаниб сақлайдиган беш нарсаси бордир: биринчиси — жони, кейингилари — дини, моли, оиласи, она Ватанидир.

Алихонтўра СОҒУНИЙ.

Менинг халқим ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидай азиз кўради.

Хамид ОЛИМЖОН.

Ниманики, қай маконники бетаъма, мукофотлар кутмасдан, кимдир мажбур қилмаса ҳам ҳимоя эта бошласангиз, ана шу Ватандир.

Абдулла ОРИПОВ.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Боғкўча мавзеси, 17-уй, 203-хонадоннинг 22.02.1993 йилда 09-02/6201 сон билан Абдуллаев Раҳимжон Шариповичга берилган уй кадастр ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Жўрабек РАМАЗОН

7

Алифбо

(Қизимга)

"А" ҳарфини ўрганиш-чун авваламбор,
"Ассалом"ни такрорлашинг зарур, қизим.
Бу дарс эмас, насиҳат ҳам эмас зинҳор,
Бу эътиқод, бу тарбия, гурур, қизим!

Бир маҳаллар ўша ҳарфни ўргансин деб,
Қўлимизга айиқ расмин тутқазганлар.
Инсон эмас, махлуқ билан юзлаштириб,
Тарбияда бир нимадан ютқазганлар.

Кун келади – четга чиқиб ҳо-ю ҳавас,
Ҳаммасини эзгуликка йўядилар;
Алифбонинг аввалида айиқ эмас,
Алла айтган аёл расмин қўядилар.

Шунда севинч бирла кулиб кўз-қарогим,
Ҳаволарга хайф бўлмади нолам, дейман.
Алпомишга "А" кетади, қизалогим,
Барчинойга "Б" кетади, болам, дейман!

Бўлгани

Ҳадя қилмасанг ҳам қалбингни менга,
Сўнгги бор ёнимга келсанг бўлгани.
Кетар чоғингда ҳам хайр демасдан,
Шунчаки табассум қилсанг бўлгани.

Бошимда кўланка қурганда кулфат,
Одамлар ошимга тўймаган муддат,
Бўҳтонлар қилишса, сен ўша фурсат
Бир бора ёнимни олсанг бўлгани.

Ҳатто тирикликда қолмаса гоя,
Фалокат бошимга солса ҳам соя,
То ҳаёт эканман ҳар бир сония,
Сени кутишимни билсанг бўлгани.

Бемадор тан билан тўшакка ботсам,
Бори бисотимни буткул йўқотсам,
Сўнгги нафасимда исмингни айтсам,
Келиб, кўзларимни юмсанг бўлгани.

Баҳорни алдадим

Баҳорни алдадим бахтиёрман деб,
Кўнглим ўсаяпти дея кун сайин.
Негадир кўрмадим айтишимни эп
Қувончимни селлар ювиб кетганин.

Қушларни алдадим бойваччаман деб,
Истаганингизча берай деб ушоқ.
Мендай саховатли телбани кўриб,
Баралла кулди бир юраги қашшоқ.

Қўрқмай ичавердим беҳуда қасам —
Билмадим ким бўлдим, аввал ким эдим.
Кимларгадир бошим осмонда десам,
Бошқаларга осмон қўлимда дедим.

Қўрқмайман, ҳақиқат аталган учқун,
Менинг истагимга солмайди соя,
Севгилим, сени ҳам алдашим мумкин –
Онт ичишим мумкин "ўлмайман" дея...

* * *

Асли муросадан яралган дунё,
На биров ўзгарган, биров кўчирган.
Менинг кўрганларим тенг ярми рўё,
Қолган ярмин ҳамма бошдан кечирган.

Сўз бисёр, тизсангиз бўлади достон,
Булар энг осони, қулайларидир.
Менинг дўстларимнинг тенг ярми инсон,
Қолган ярми шайтон малайларидир.

Ҳаёт бор, бағрида туйғу бор азал,
Айтинг, у қай дилни қилмади асир?
Менинг севганларим тенг ярми гўзал,
Қолган ярми эса бачканалардир.

Соғ танни аямай яшадим мудом,
Бугун тўрт мучани бутлаш армондир.
Менинг еганларим тенг ярми таом,
Қолган ярми эса дори-дармондир.

Ранжиманг битганим туюлса гумон,
Арслон ҳам изига қайтиши мумкин.
Менинг ёзганларим тенг ярми ёлғон,
Қолган ярмин ҳамма айтиши мумкин.

Муҳаббат керак

Азизим, арзимга кўнмади борлиқ,
Ғовурли бағридан ҳайдади шаҳар.
Сенинг табассуминг сувдайин тиниқ,
Сенинг табассуминг мисоли шакар.

Менга бу заминнинг тақдири нима,
Ишим йўқ фалакнинг ташвиши билан.
Сен мени айблама, беайб ҳам дема,
Бор-йўғи ошиқман ишқингда куйган.

Азизим, арзимга кўнмади қисмат,
Не керак жозиба қоришган сўзлар.
Тушунсанг-чи, бизсиз учинчи қават
Боласин йўқотган онадай бўзлар.

Ҳаёт – ҳар томони ямалган гилам,
Соатдай бир йўсин уради юрак.
Орзу кўп, қайғу кўп, етарли ғам ҳам,
Иккимизга фақат муҳаббат керак.

* * *

Сукунатни синдирар саҳар,
Эрталабдан эшигинг очиқ.
Майин-майин қўшиғин бошлар
Деразанга илинган сочиқ.

Қошларингни қилганча таранг,
Мўралаган йигитни кўй.
Ахир, сенинг кичкина хонанг
Дунёнинг энг чиройли жойи.

Сизни севиш

Кипригингиз уйғотар титроқ,
Нигоҳингиз ўзи иноят.
Сизни севиш саодат, бироқ
"Севаман" деб айтиш — жиноят.

Хуснингизга тўйгунича то,
Кул бўлади тўрттала томон.
Сизни асраш буюк бахт, аммо
Сиздан кечиш дўзахдан ёмон.

Юзингиздан уялади ой,
Оёғингиз ўпади йўлак...
Сиз билан бу оламда чирой,
Сизсиз қуёш чиқмаса керак.

Ҳали

Ҳали булутларга қўйилмаган ном,
Отилмас олмадан бошқа мевалар.
Ҳали соғинмаслик бўлмаган тамом,
Ҳали шаклланмай қолган шевалар.

Ошиқлар тош қотган ғам қирғоғида,
Одамлар ҳали ҳам ошнинг ошнаси.
Ҳали киролмаган севги боғига
Қизил, оқ ва сариқ гулдан бошқаси.

Ҳали сирлигича яшамайди сир,
Гарчи кўплар етган бахт оролига.
Ҳали ҳам сигиниб юрибди кимдир
Аччиқ хиёнатнинг кўр қиролига.

Ҳали даҳолардан телбалар кўпроқ,
Гоҳ виждон мулкига ҳоким ялмоғиз.
Ҳали кўп шоирлар ҳидламай тупроқ,
Ватан деб йиртмоққа шайлайди оғиз.

Ҳали бу дунёни пок қилиш керак,
Ҳамма юракларни оқ қилиш керак.
Эрка маликалар – тоза ҳисларни,
Бераҳм девлардан яшириш керак.

Айблама, айбимга иқрорман ўзим,
Не топдим осилиб биров бўйнига?
Алам-да, ишониб юрганинг сенга
Таъна тошин отса олма ўрнига.

Сен мени худбину худпараст дема,
Ҳали ранжитмадим бирор кишини.
Севгилим, мен сенга атайин нима,
Нима деб атайин кўзинг ёшини?..

Hurriyat
Muslagil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган материаллар таҳлил қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Келтирилган фактлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 5100
Буюртма — Г-165
1 2 3 4 5 6

Топшириш вақти — 21^{00}
Топширилди — 23^{10}

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ю.Жўраев. **Мусаҳҳиҳ:** Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**